

Бош прокуратурада

Йиғилиш

Икки томонлама учрашув

2014 йил 7 октябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Ўзбекистон Республикаси ҳамда Хитой Олий халқ прокуратураси Бош прокурорлари Р.Ҳ.Қолиров ва Цао Сзяньминларнинг икки томонлама учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси делегациясининг Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар бош прокурорларининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Ўзбекистон Республикасига ташрифи доирасида ташкил этилди. Унда Ўзбекистон ва Хитойни дўстона муносабатлар ҳамда икки томонлама манфаатли ҳуқуқий ҳамкорлик боғлаб турганлиги, бундай муносабатларнинг жадал ривожланишига ҳар икки давлат раҳбарларининг барча соҳалардаги салоҳиятини амалга оширишга хизмат қилган мунтазам учрашувлари асос бўлаётганлиги таъкидланди.

Идоравий ҳамкорлик 1997 йилдаги фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам

тўғрисидаги, 1999 йилдаги экстратрадиция тўғрисидаги давлатлараро шартномалар, шунингдек, 2000 йилдаги идоралараро келишув асосида амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, лойиҳаси ишлаб чиқилаётган Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикаси ўртасида озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахсларни ўтказиш ҳақидаги шартнома тузиш зарурлиги таъкидланди. Учрашув якунида идоралар раҳбарлари томонидан Бош прокуратураларнинг 2015-2016 йиллардаги ҳамкорлик дастури имзоланди. Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Олий халқ прокуратураси делегациясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ички ишлар вазирлиги ва Олий судида учрашувлари ўтказилди.

Шу йилнинг 8 октябрь кuni Тошкент шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Бош прокурорларининг навбатдаги ўн иккинчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда ШХТга аъзо давлатларнинг Бош прокурорлари, Қозоғистон Республикаси А.К.Даулбаев, Хитой Халқ Республикаси Цао Сзяньмин, Россия Федерацияси Ю.Я.Чайка, Тожикистон Республикаси Ш.О.Салимзода ва Қирғизистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари М.Ж.Эшперов раҳбарлигидаги делегациялар иштирок этди.

Ҳамкорликни ривожлантириш йўлида

Тадбирда ШХТда кузатувчи давлатлар Хиндистон Республикаси, Эрон Ислоҳ Республикаси, Мўғлистон Бош прокурорлари, шунингдек, ШХТ Бош Котиби Д.Ф.Мезенцев ва ШХТ Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижро қўмитаси директори Чжан Синьфен катнашди.

Мажлисда ШХТга аъзо давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалари ҳамкорлигини фаоллаштириш ва кенгайтиришнинг истиқболли йўналишлари муҳокама қилинди.

Мажлис иштирокчилари тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунчилик ижроси устидан ШХТга аъзо давлатларнинг прокуратура

органлари томонидан назоратни амалга ошириш масалалари бўйича маълумотлар билан алмашди. Шунингдек, жиноий йўл билан топилган даромадлар(активлар)ни аниқлаш, мусодара қилиш ва уларни келиб чиққан давлатларга қайтариш юзасидан ШХТга аъзо давлатларнинг қонун ҳужжатлари ва амалиёти масалалари муҳокама қилинди.

Кун тартибидеги масалаларнинг муҳокамаси сўғида якуний Баённома имзоланди.

Бундан ташқари, икки томонлама учрашувлар чоғида Россия Федерацияси ва Мўғлистон Бош прокуратуралари билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Бош прокуратура Матбуот хизмати

Жаҳонда нуфузи тобора ошмоқда

Жорий йилнинг 13-14 октябрь кунлари пойтахтимизда X Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси бўлиб ўтади



Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан аънавий тарзда ўтказиб келинаётган ушбу нуфузли ярмарка жаҳон пахта саноати етакчилари, тўқимачилик корхоналари вакиллари ва савдо агентларига мамлакатимиз пахта комплексини ривожлантириш стратегияси билан танишиш, савдоларда қатнашиш, шартномалар тузиш имкониятини яратди.

Ўзбекистонда пахта форумининг юксак савияда ўтказилиши аънавага айланган. Бунга мамлакатимизда серҳосил гўза навларини яратиш, замонавий агротехнологиялардан фойдаланган ҳолда тола ишлаб чиқариш ҳажми ва сифати билан боғлиқ хусусиятларни узлуқсиз оширишда пахта етиштиришнинг барқарор ҳажмини сақлаш, пахта тозалаш саноатини тўлиқ модернизация қилиш, барча хизмат турлари кўрсатишни таъминлайдиган ҳудудий терминалларни ўз ичига олган замонавий пахта сотиш инфратузилмасини ташкил этиш бўйича амалга оширилаётган изчил чора-тадбирлар ёрдамида эришилмоқда.

Экспертларнинг таъкидла-

шича, хомашёдан юқори қўшимча қийматга эга тайёр маҳсулотни экспорт қилишга изчил ўтилаётгани мамлакатимиз энгил саноати салоҳиятини юксалтириш имконини бермоқда. Маълумотларга кўра, 90-йилларда етиштирилган пахтанинг атиги 7 фоизи юртимизда қайта ишланган бўлса, ўтган давр мобайнида бу кўрсаткич қарийб 6 баробар ошди, 2013 йилда деярли 40 фоизни ташкил этди.

Барқарор хомашё базаси, пахта толасининг юқори сифати, ресурслар нархининг арзонлиги, юқори малакали ишчи кучининг мавжудлиги тармоққа чет эл инвестицияларини жалб этиш имконини бераётди. Шу боис дунё тенденциялари доирасида ҳар йили мамлакатимизда пар-

дозлаш, тўқимачилик ва тикувчилик ишлаб чиқаришини ўз ичига олган қўшма корхоналар ташкил этилмоқда.

"Ўзбекенгилсаноат" давлат-акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, сўнгги 4 йилда мамлакатимизда Жанубий Корея, Швейцария, Сингапур, Япония, Хиндистон ва бошқа давлатлар инвесторлари иштирокида саксондан ортиқ корхона ташкил этилган.

Х Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси ҳам ушбу мақсадларга хизмат қилади. Унда нафақат экспозициялар, балки технология ва дизайн соҳасидаги инновациялар тақдирлар тақдим этилиши, давра суҳбатлари, семинарлар, конференциялар ўтказилиши, либослар коллекцияси намойиш қилиниши ҳам режалаштирилган.

Қисқача айтганда, бу йилги Ўзбекистон халқаро пахта ярмаркаси дунё пахта саноатининг марказий тадбирларидан бирига айланган ва мамлакатимиз иқтисодийетини изчил ривожлантириш, юртимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширишга салмоқли ҳисса қўшади.

Ўз мухбиримиз

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ва Олий ҳўжалик суди Пленумининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди судьялари, фуқаролик ва ҳўжалик ишлари бўйича вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раислари, ҳўқуқшунос олимлар, ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари иштирок этди.

Суд пленумларининг қўшма мажлиси

2014 йил 6 майда янги таҳрирда қабул қилинган "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун билан корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳўқуқлари ва жавобгарлиги яна ҳам аниқ белгиланди. Акциядорлик жамиятлари кузатув кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамияти оширилди. Миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг қарорларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажақ инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш кўзда тутилди.

Қонунда акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, устав капиталини шакллантириш, қимматли қоғозларнинг бозор қийматини аниқлаш, жамиятнинг акцияларини оммавий тақлиф қилиш йўли билан жойлаштириши ўзида мўжассам этган қатор нормалар ифодасини топган.

Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳўқуқини ҳимоя қилиш мамлакатимиз иқтисодийетини ривожланишида муҳим аҳамият касб этиши инобатга олиниб ҳамда мазкур субъектлар иштирокидаги низоларни ҳал этишда судлар томонидан ушбу қонун нормалари бир хилда қўлланилишини таъминлаш мақсадида мажлисда "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги қарор лойиҳаси муҳокама қилинди.

Олий суд ва Олий ҳўжалик суди пленумлари томонидан ушбу масала бўйича қабул қилинган қарор юқорида номи қайд этилган қонунни амалда бир хилда қўллаш, ягона суд амалиётини шакллантириш, бир сўз билан айтганда, одил судлов сифати ва самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади.

Мажлисда "Ўзбекистон Республикаси Олий суди пленуми ва Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик суди пленумининг айрим қарорларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги"ги қарор лойиҳаси ҳам муҳокама этилиб, ушбу масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Табиятда мавжуд баъзи бир ўсимликлар тиррик организм учун ўта хавфли бўлиб, ўзидан кучли заҳар ишлаб чиқаради. Табиат ато этган ноёб қобилият туйғайли жониворлар марихуана, кўнор, эшакмиа ва багилевона каби заҳарли ўсимликларни истеъмол қилмайди.

Моллар наша чекмайди

Жамшид ХАЛИЛОВ,
Косон туман прокурори ўринбосари

Шу жиҳатдан қараганда, Жасурбек Маматов савдо қиладиган "Омухта ем сотиш" савдо шохбачаси омборхонасидан қуритилган марихуана ўсимлигининг топилиши ҳар қандай кишида "Бу гиёҳванд моддани кепак, широт ва бошқа турдаги омухта ем қоплари орасида сақлашдан мақсад нима?!" деган шубҳа уйғотади.

Албатта, мантиқан хулоса чиқарадиган бўлсак, Жасурбек марихуанани кепакка кўшиб сотмаслиги аён, ammo ҳўжалигида чорваси бор кишиларнинг бу ерга омухта ем олиш мақсадида узлуксиз келиб-кейтиб туриши ҳисобга олинса, наша учун харидор топиш осон. Демак, бу жой хуфиёна ишларни амалга ошириш учун қулай.

Жасурбек ана шундай фикрда эди. Ammo вақти келиб, бу фикри нотўғри эканлигини англади. 2014 йил 10 январь куни Косон туман ҳуқуқтартибот идоралари томонидан Жасурбекнинг хуфиёна ишлари фош этилди. Кепак ва широт тўлдирилган қоплардан гиёҳвандлик воситаси топилиди ва ҳуқуқни муҳофазда қилувчи органлар ҳодимлари томонидан ҳолислар иштирокида ҳўжатлаштириб олинди.

Вилоят ички ишлар бўлими ЭКБнинг хулосасида Ж.Маматовнинг омухта ем сотиш шохбачасидан ҳўжатлаштириб олинган 6 донга гўгурт қутчалари ичига жойлаштирилган ва шафқоф елим халтачага солиб қўйилган ўсимлик марихуана бўлиб, унинг қуритилган ва майдаланган ҳўлатдаги соф оғирлиги 13,6 граммлиги қайд этилди.

Судланувчи Жасурбек Маматов содир этган қилмишига иқроорлик билдирмасдан турли ваҳларни келтириш билан жазодан қўтулиб қолишни уйларди. У ўз кўрсатмаларида турли асоссиз ваҳлар келтирар эди. Ammo судланувчининг келтирган ваҳлари ишонсиз деб топилиди. Нашани сотиш мақсадида белгиланган миқдорда қадоклаб ва яшириб қўйилган рад этиб бўлмайдиган далиллар ва иш юзасидан йиғилган бошқа ҳўжатлар асосида исботланди.

Хусусан, гувоҳлардан бири Гулбаҳор Расулованинг айтишига қараганда, ем сотиш шохбачаси ёнидаги тегирмон олдида қуйидаги мазмунда суҳбат бўлиб ўтади. Гулбаҳор моддий жиҳатдан қийналиб қолганлигини айтади. Шунда Жасурбек унга наша сотишни таклиф этади. Бир қўтисини 180 минг сўмдан сотиб, ўзига 150 мингдан беришини айтади. Орадан ҳафталаб ўтиб, Гулбаҳор емхона олдидаги тегирмондан ун олишга келганида Жасурбекни учратади ва унга ҳазиллашиб, "Бизнинг заказ нима бўлди?" деб сўрайди. Шунда Жасурбек "тайёр" дея жавоб қилади ва емхона ичидаги қопларнинг бирини кўтариб, унинг тағига яшириб қўйилган нашани кўрсатади. Уйига қайтиб, бу иш жиноят эканлигини тўшунган Гулбаҳор бундай кишиларга яқинлашмасликка қарор қилади.

Шунингдек, Жасурбек Маматовнинг айби тергов давомида тўпланган ҳўжатлар, ашёвий далиллар ҳамда судда гувоҳ сўфатида қатнашган кишиларнинг берган кўрсатмалари орқали ҳам ўз исботини топди.

Жиноят ишлари бўйича Косон тумани суди шу йил 17 июнь куни ушбу жиноят ишини қўриб чиқиб, Ж.Маматовга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларини қўллаб, 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади.

Таркибда наркотик моддаси бўлган гиёҳларни экиб қўлайтириш, сақлаш, ўтказиш, сотиш ва истеъмол қилишнинг оғир жиноят эканлиги ҳаммага маълум. Шундай бўлишига қарамай, нопок йўллар билан пул топиш ва бойлик орттиришга берилган айрим кимсалар қонунларимизни четлаб ўтишга беҳуда уриниб, нафс балосининг домига илинганларини пайқамай қоладилар. Улар гуноҳларини енгиллаштириш ёки айбларини бошқа бировларга тўнкаш орқали жазодан қўтулиб қолишга уриниб, қанчалик ваҳ кўрсатишмасин, қонун ҳаммасини адолат тарозуси билан ўлчайди ва ҳақиқатни рўёбга чиқаради ҳамда шунга яраша жазо тайинлайди.

Директор ўзлаштирган маблағлар

Мактаб — муқаллас даргоҳ. Таълим, тарбия ўчоғи. Биз бу даргоҳда меҳнат қилувчи инсонларни ниҳоятда қадраймиз. Устозни отадек улуғ кўраимиз. Демак, мўътатар маскан раҳбари деганда, олийҳиммат, зиёли, ҳалоо ва меҳнатсевар, бообрў оламни тушунмиз.

Шунинг учунми, гоҳида мактаб ёки у ерда фаоолият кўрсатувчи инсонлар ҳақида танқидий фикр эшитиб қолсак, дилимиз оғрийди. Уни худди яқин кишимиз ҳақида билдирилган фикрдай қабул қиламиз. Ахир, бу даргоҳ ҳеч биримизга бегона эмас. Шундай экан, унинг тақдирига бефарқ қарай олмаймиз.

Достонбек Тошев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Ҳазорасп туманидаги умумтаълим мактабларидан бирининг директори эди. У бу лавозимда олти йилдан буён фаоолият кўрсатиб келарди. Бироқ, унинг фаоолияти таҳлил қилинганда лавозимига номуносиблиги аён бўлди. Уни мактабдаги таълим-тарбия жараёнини яхшилаш, ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантириш, ижодий муҳитни шакллантириш, ёш авлоддан ҳар томонлама комил инсонлар қилиб тарбиялашдан кўра ўз чўнтагини қаппайтириш масаласи кўпроқ қизиқтирган экан.

У 2013 йилнинг май ойида мактаб ишчи-хизматчилари номига ёзилган мукофот пуллари ва ойлик машоари ўз жавобгарлигида ва ихтиёрида эканлигиндан фойдаланиб, 12 нафар ходим номига ёзилган 3 миллион 133 минг сўм пулни ўзлаштириб юборди. Шунингдек, мактаб директори иш ҳақи тарқатиш рўйхатидаги яна тўрт нафар ходимнинг 1 миллион 622 минг сўм мукофот пулини

қалбаки имзолар билан олиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборди.

Ачинарлиси, мактаб ҳисобчиси Н.Холбоев ҳам ўзининг раҳбаридан ўрнак олиб, у билан тил бириктирган ҳолда, ишчи-хизматчиларнинг ойлик иш ҳақларини пластик карточкаларга ўтказиб, 2012 йил апрель-октябрь ойларида, жами 1 миллион 704 минг сўм иш ҳақларини талон-торож қилишди. Бу ҳам етмагандек, ходимларнинг 2 миллион 613 минг сўм иш ҳақларини ўзларига яқин бўлган кишилар, жумладан, М.Худойбергенов, Ф.Собирова, С.Жуманиёзовларнинг номига очилган пластик карточкаларга ўтказиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборишди.

Шунингдек, директор Д.Тошев ҳисобчи Н.Холбоев билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги қарори билан тасдиқланган "Умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг директор жамғармаси тўғрисида"ги Низомнинг бандларини қўпол равишда бузиб, 2012 йил март-декабрь ойларида 14 нафар ўқитувчига 2 миллион 10 минг сўм, 2013 йил май ва август ойларида 17 нафар ўқитувчига 1 миллион 633 минг сўм рағбат пулларининг ва айрим ўқитувчиларга иш ҳақларининг ортикча тўланишига йўл қўйиб, давлатнинг 4 миллион 395 минг сўм пул

Эргашбек МАШАРИПОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг
Ҳазорасп туман бўлими бошлиғи

маблағларини ўзлаштириб олади.

Д.Тошевга ходимларнинг ҳақларини ўзлаштираётгани камлик қилиб қолган, шекилли, мактабни иситиш учун пул ўтказиш йўли билан сотиб олинган 1 тонна 800 килограмм кўмирни 198 минг сўмга сотиб юборди.

2013 йил 30 ноябрь куни мактаб билан "Тўямўйин савдо" МЧЖ ўртасида шартнома имзоланиб, МЧЖ ҳисоб рақамига 1 миллион 774 минг сўм пул маблағлари ўтказиб берилди ва гўёки МЧЖдан шу пулга меبل ҳиҳорларни қабул қилиб олингани ҳақида ҳисоб-фактура тузилди. Бироқ, бу мебеллар мактабга етиб келмайди. Бу каби мисоллардан кўриниб турибдики, Д.Тошевнинг ўз манфаатларини ўзгаларникидан устун қўювчи, ҳалоллик мезонларини нуқтанан, қонун талабларига риоя қилишни истамган шахслиги аён бўлди.

Оқорида таъкидлаганимиздек, ўқитувчилик шарафли касб. Бу касб эгаларининг ҳақига ҳиёнат қилиши, уларнинг ҳалол меҳнатлари эвазига олган даромадларини ўзлаштиришни ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Бундай қилмишнинг содир этганлар муқаррар жазога лойиқдир. Д.Тошевга суд ҳўкми билан тегишли жазо тайинланди.

Оламзот баъзан билиб ёки билмай нотўғри ишларга қўл уради экан. Айниқса, оналар ўз фарзандлари учун иложи бўлмайдиган ишларнинг ҳам улдасидан чиқшига ҳаракат қилишади. Халича Назруллаева озодликдан маҳрум қилинган ўғлини қамоқ жазосидан қўтқариш учун турли йўллари қилира бошлади.

Бежиз кетган ҳаракат

Зарифа МАВЛОНОВА,
Юнусобод туман прокурорининг катта ёрдамчиси

Куларнинг бирида Х.Назруллаева ички ишлар идорасининг олдида ўзига нотаниш бўлган фуқаро Илҳом Анорметов билан танишиб қолади. Кимга дардини айтишни билмай юрган Халича ўғлининг қамоқда эканлигини Илҳомга айтади. Пайдан унумли фойдаланмоқчи бўлган И.Анорметов вақтини бой бермади.

У турли ёлғон гаплар билан аёлнинг ишончига қиради. Яъни у Х.Назруллаевага бу ишни ҳал қилишга пул кераклигини айтиб, уни ишонтиради. Фирибгарнинг гапларига ишонган она бунга рози бўлади.

Илҳом аёлнинг соддалигиндан фойдаланиб, унинг олдида кимгадир кўнғирок қилгандек бўлиб, "ҳаражат"нинг баҳосини белгилайди. Унга уч минг кўкидан берса, иш ҳал бўлишини айтади. Пулни уч кундан кечиктирмаслик кераклигини ҳам таъкидлайди. Улар ўзаро ваъдаллашиб, навбатдаги учрашув кунини белгилаб олишди.

Учрашувдан сўн Илҳомнинг кайфияти чоғ бўлди. Шундай қилиб у аёлдан олган пулни ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборди. Орадан бир ой ўтиб кетади. Бироқ Х.Назруллаеванинг иши ҳал бўлмайди. У ҳар куни Илҳомга кўнғирок қилганида, телефони ўчирилган бўлади.

Ниҳоят, сабри тугаган Х.Назруллаева алданиб қолганини тушуниб, И.Анорметовнинг устидан туман ички ишлар идорасига шикоят аризаси билан мурожаат қилди.

Мазкур воқеа юзасидан барча кўрсатмалар тергов давомида ўз тасдиғини топиб, жиноий ишлар бўйича Юнусобод туман судининг ҳўкмига қўра Илҳом Анорметов Жиноят кодексининг тегишли моддаларига асосан айбдор деб топилиди ва унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Фош этилган фаоолият

Тоҳиржон ИБРАГИМОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят
бошқармаси бўлим катта инспектори

Маълумки, мамлакатимизда кичик бизнес ва ҳуссий таабиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш орқали иқтисооийни янада эркинлаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётти. Пировадилда юқори сифатли, рақобатбардор маҳсулот ишлаб чиқарилаб, уларга ташқи бозорда ҳам талаб ортиб бормоқда. Афсуски, таабиркорлик ривожига учун яратилаётган бундай кенг имкониётлардан унумли фойдаланиш ўрнига, юртимизда ноқонуний фаоолият юритишга, фуқароларнинг соғамига ҳавф тўғривуви маҳсулот ишлаб чиқаришга уринаётган сохта таабиркорлар ҳам учраб турибди.

Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий ҳўжатлар ижросини таъминлаш, истеъмол учун яроқсиз бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотилишининг олдини олиш борасида СВОЖДЛҚК департаментининг Андижон вилоят бошқармаси ҳодимлари томонидан кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Департаментнинг Андижон шаҳар бўлими ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар Хуршид Беков ва Олим Абдуматалиёвларнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ноқонуний фаоолиятига барҳам берилди.

Уларнинг Андижон тумани Кунжи ҚФЙ худудидаги биного мойжувоз дастгоҳи ўрнатиб, қонунга ҳилоф равишда пахта чигитидан истеъмолга яроқсиз ёғ ишлаб чиқаратганликлари аниқланди.

Тадбир давомида улар фаоолият олиб борган жойдан 974 кг. пахта чигити, 835 кг. кунжара, 420 литр пахта ёғи, 1 донга мойжувоз дастгоҳи ва бошқа тўтқиш турдаги жами 4 млн. 600 минг сўмлик маҳсулот ва асбоб-ускуналар ашёвий далил сифатида олинди.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарларга нисбатан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилиб, жазо муқаррарлиги таъминланди.

Рафбат ва эътибор

Қонун йўли билан ҳар томонлама муҳофизат қилинган хусусий тадбиркорлик амалга ошириладиган ислохотларга таянган ҳолда жадвал суръатлар билан ривожланиб, мамлакат иқтисодиётини мустаҳкамлашда юксак самараларга эришмоқда. Тадбиркорларимиз ривожланишининг кенг имкониятларига эга бўлаётганлари туфайли янги иш ўринлари яратаяптилар ва ўз қорхоналарида замонавий технологияларни жорий этиб, ишлаб чиқариш миқёсларини кенгайтирмоқдалар.

200 дан зиёд тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари тикланди.

Айтиш жоизки, айрим ҳолларда шовша-шошарлик билан чиқарилган қарорлар ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар туфайли тадбиркорларнинг қонуний ҳуқуқлари бузилмоқда. Масалан, Қашаши тумани ҳокимининг шў йил 10 мартдаги қарори билан "Олтин балик барака" хусусий қорхонасининг 24,2 гектар ер майдони қорхона раҳбарининг розилигисиз туман ҳокимлиги заҳира ер фондига қайтарилган. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига зид бўлганлиги сабабли туман прокуратураси томонидан протест келтириш орқали бекор қилинди.

Шунингдек, "Ёрқурғон дехқон бозори" маъмулияти чекланган жамияти ҳудудда қурилган савдо дўкони фойдаланишга қабул қилиниб, Қарши шаҳар ҳокимининг қарори билан мулкка эгаллик қилиш ҳуқуқи Э.Жураевага берилган. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Дехқон бозорлари ва савдо комплекслари фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори таълабларига зид бўлганлиги сабабли вилоят прокуратураси томонидан протест келтирилиб, бекор қилинди.

Айни вақтда назорат-текширув ва бошқарув идоралари томонидан тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқмаслик ёки ташлаб қўйиш, уларнинг фаолиятини

ноқонуний текшириш, Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан асоссиз жарималар қўллаш, банкларда тадбиркорларнинг маблағларини уларнинг розилигисиз ишлатиш каби ғайриқонуний ҳолатлар мунтазам ўтказиб келинаётган текширишлар ва мониторингларда аниқланиб, қонуний чоралар белгиланмоқда. Масалан, Қашаши тумани Давлат солиқ инспекцияси юридик шахсларга солиқ солиш бўлими бошлиғи А.Норкулов ва туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими мутахассиси Қ.Бозоровнинг назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика кенгашининг ёки ҳудудий бўлимининг руҳсатсиз жорий йилнинг март ойда "Ёртепа Қорақўли" МЧЖда текширув ўтказганликлари Қашаши тумани прокуратураси томонидан аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди, суд қарори билан қонуний чора қўрилди.

Юқорида келтирганимиздек, ўтказилган мониторингларда баъзи назорат-текширув ва бошқарув идоралари томонидан тадбиркорларнинг мурожаатларини ўз вақтида қўриб чиқмаслик ёки уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилиш каби ҳолатлар ҳам аниқланмоқда. Жумладан, Шахрисабз тумани қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими томонидан "Тошев Санжар Раҳматулаев" фермер ҳўжалигининг паррандачиликни ташкил

Рустам ҲАЙИТОВ,
Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи

қилишга, "Абдунаби Ҳасанов" фермер ҳўжалигининг сув таъминотида доир мурожаатлар вақтида қўриб чиқилмаган. Туман ҳокимининг қарори билан қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлимига 2014 йилда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларчилик ва пиллачиликни ривожлантириш бўйича алоҳида ишчи гуруҳларини ташкил этиш, уларнинг вазифалари ва амалга оширадиган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш оқлаштирилган бўлса-да, мазкур бошқарув органи томонидан бу талаб умуман бажарилмаган. Аниқланган бундай ҳолатлар бўйича туман прокуратураси томонидан бўлим бошлиғи М.Эшевга нисбатан МЖТКнинг тегишли моддалари билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди, суд қарорига асосан у жарима жазосига тортилди.

Шунингдек, Яккабоғ тумани архитектура ва қурилиш бошқармаси бошлиғи Н.Жуманов "Яккабоғ автосозлаш" МЧЖ раҳбари С.Нарзиёевнинг ҳамда фуқаро П.Кодировнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ер ажратиш тўғрисидаги мурожаатларини белгиланган муддатда қўриб чиқишнинг таъминламасдан, уларнинг қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилган. Мазкур ҳолат бўйича туман прокуратураси томонидан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш

қўзғатилди ва қўриб чиқиш учун ЖИБ Яккабоғ тумани судига юборилди ҳамда қонунбузилишининг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан туман ҳокимига тақдимнома киритилди.

Айтиш жоизки, айрим ҳолларда давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан тадбиркорларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги, маъмурий жазо қўллаш ҳақида қарор қабул қилинмасдан жарима суммаларини ундириб олишга йўл қўйилаётгани билан боғлиқ салбий ҳолатлар ҳам прокуратура органлари томонидан мунтазам равишда ўтказилаётган текширишларда аниқланиб, тезкор чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Прокуратура органлари томонидан тадбиркорлик субъектларининг ҳақдорликларини тайёрлов идораларидан ихтиёрий равишда ундириб бериш ҳам эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Миришкор тумани прокуратурасининг аралашуви билан 2013 йил пахта мавсумида "Жейнов пахта тозалаш" ОХЖга пахта ҳосили топишган 53 та фермер ҳўжалигининг 562,9 млн. сўмлик пул маблағларининг тўлаб берилиши таъминланди.

Келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар билан ишлаш, уларнинг мурожаатларига ўз вақтида жавоб қайтариш, кредитлар ажратиш, ҳақдорлик олди-бердилари ва бошқа бир қатор муносабатларда рўй берган қонунбузилиш ҳолатлари прокуратура органлари томонидан бартараф этилмоқда. Бир сўз билан айтганда, фермерлар ва тадбиркорларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонун ҳимоясидир.

Ёшлар — истиқбол эгалари, уларнинг тарбияси ва маънавияти учун масъулмиз

Ёшлар миллат ва юрт истиқболини белгиловчи ушун кучдир. Уларнинг билим-салоҳиятини ошириш, иқтидор ва қобилиятини фойдали томонга йўналтириш мамлакат иқтисодий ҳаётини ҳар томонлама юксалтиришнинг асосий омилларидан саналади. Жорий йилнинг эзгу ниятлар билан Президентимиз томонидан "Соғлом бола йили" деб эълон қилинган халқимиз томонидан қизғин кутиб олинди. Демак, бундан бунён ҳам баркамол авлод таълим-тарбияси, чинкам маърифатли ёшларни шакллантириш ва уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишига қўмақлашиш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолаверади.

Бу долзарб жараёнга муносиб ҳисса қўшиб келаётган Жиззах вилоят прокуратураси органлари томонидан Президентимизнинг 2014 йил 6 февралдаги "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, қабул қилинган дастурга кўра вилоятда ишчи гуруҳлари ташкил этилиб, вояга етмаганларнинг кўнгил очиш (дам олиш) жойларида тунги вақтда ота-онасидан бири ёки унинг ўрнини босувчи шахснинг қузатувисиз бўлишларининг олдини олиш режаси ишлаб чиқилди. Тадбирлар режасига асосан 97 та ресторон, кафе ва барларда, 111 та компьютер ва интернет клубларида, 45 та бошқа кўнгил очиш жойларида 253 та рейдлар ўтказилди. Унда 28 нафар вояга етмаганларнинг тунги вақтда ота-онасидан бирининг қарамогисиз кўнгил очиш (дам олиш) жойларида юрганлиги аниқланиб, 15 нафар масъул шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Хусусан, тадбирда Жиззах шаҳри "Улуғбек" маҳалласида жойлашган компьютер ўйинлари хонасида тунги вақтда вояга етмаган Д.Салимовнинг ота-онаси қузатувисиз бўлганлиги аниқланди. Натижада иш юритувчи

М.Салоҳиддинова маъмурий жазога тортилди. Шунингдек, Д.Салимовнинг ота-онасига нисбатан маъмурий иш қўзғатилиб, тўпланган ҳужжатлар қўриб чиқиш учун Жиззах шаҳар ҳокимлиги хузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга юборилди.

Шунингдек, вилоятда ахлоқсизлик, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилувчи махсулотларни тайёрлаш, олиб қилиш, тарқатиш, реклама қилиш ва уларнинг намойиш этилишининг олдини олиш бўйича фаолият кўрсатаётган ишчи гуруҳлари томонидан 460 та рейд ўтказилди. Тадбирлар довомида ушбу турдаги 219 та махсулот далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Бугунги кунга қадар аниқланган ҳолатлар бўйича 16 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

"Ёшлар ва қонун" тарғибот лойиҳасини амалга ошириш мақсадида тузилган 14 та ишчи гуруҳи томонидан 231 та тарғибот тадбирлари ўтказилиб, унда 6350 нафар ёшлар иштирок этди. Ушбу тадбирлар довомида буклетлар тарқатилиб, жойларда баннерлар ўрнатилди. Шунингдек ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда мунтазам равишда тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Жумладан, Арнасой туман прокуратураси ва бошқа мутасадди ташкилотлар ҳамкор-

ликда тумандаги 5-сонли мусиқа ва санъат мактабига кенг жамоатчилик иштирокида "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" мавзусида тарғибот тадбири ўтказилди.

Шу каби Жиззах туман прокуратураси ташаббуси билан Учтепа қишлоқ ҳўжалик касб-хўнар коллежида "Халқаро гийёҳандликка қарши кураш кўни" муносабати билан мактаб ўқувчилари ўртасида спортнинг кураш тури бўйича туман биринчилиги очик турнири ўтказилди. Мусобақада Жиззах, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятлари мактаб ўқувчилари иштирок этишди.

Ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар томонидан болаларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш борасидаги мажбуриятларни бажармаслик ҳолатларининг олдини олиш бўйича ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилиб, унда узрсиз ва мунтазам дарс қолдираётган ўқувчилар аниқланди.

Бундан ташқари, коллеж битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, улар билан тузилган уч томонлама шартномаларнинг тўлиқ ва ҳаққоний тузилишини ўргатиш жараёнида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланиб, тегишли прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилмоқда. Битирувчилар билан тузилган уч томонлама шартномаларнинг қонунийлиги ўрганилганда, 33 нафар битирувчи билан яқна тартибдаги тадбиркорлар ўртасида, 95 нафар билан иш бериш ваколатига эга бўлмаган, 418 нафари билан бўш иш ўрни мавжуд бўлмаган ҳўжалик юритувчи субъектлар билан, 442 нафари билан тузилган ёки фаолият кўрсатмаётган қорхоналар ўртасида шартномалар тузилгани аён бўлди. Хусусан, Баҳмал туманидаги Қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнар коллежи-

Илҳом БОЛБЕКОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси
катта ёрданчиси

нинг 278 нафар битирувчиси билан тузилган шартномалар ўрганилганда 18 нафар битирувчи билан фаолият кўрсатмаётган қорхона ва ташкилотлар ўртасида уч томонлама шартномалар тузишнинг маълум бўлди. Ўтказилган текширишларда 14 та ғайриқонуний ҳўжатта протестлар келтирилиб, қонунбузилиши, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида 50 та тақдимнома киритилди. 3 нафар шахс қонунбузилишига йўл қўймавлик хусусида оғохлантирилиб, 265 нафари интизомий, 7 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди.

Вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган "Ёшлар ва қонун" лойиҳаси асосида тарғибот ишлари олиб борилмоқда. Масалан, вилоят прокуратурасида вилоят ўрта махсус, касб-хўнар таълими бошқармаси билан ҳамкорликда Жиззах шаҳридаги ҳуқуқшунослик коллежи ва Жиззах Давлат педагогика институтини қўшиқдаги академик лицей ўқувчилари билан "Юқори малакали юридик кадрларни тайёрлаш — давр талаби" мавзусида учрашув ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, мақсадимиз — ёшларни келажак учун керакли инсонлар этиб тарбиялашдан иборат. Зеро, келажакда Ўзбекистон юксак даражада тараққий этган иқтисоди билангина эмас, балки билимдон, маънавий ҳижатдан етук фарзандлари билан ҳам жохонни ҳайратда қолдириши шубҳасиздир.

XXI ахборот асрида ҳаётимизни интернетсиз тасаввур қила олмайдимиз. Хоҳ ишда, хоҳ ўқишда бўлсин, унинг қўлланиш доираси тобора кенгайиб бормоқда.

Судга муурожаат этишнинг электрон усули

Мамаклатимизда телекоммуникация соҳасини ривожлантиришнинг қонуний асослари яратилди. "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги, "Электрон рақамли имзо тўғрисида"ги, "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида"ги Қонунлар, Республикаси Президентининг "Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни қонуний талаб этганлик учун жавобгарликини қўлайтириш тўғрисида"ги, Вазирлар Маҳкамасининг "Солиқ тўловчиларга ахборот хизмати кўрсатиш ва давлат солиқ хизмати органларининг ахборот тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги Қарорлари ҳамда бошқа меъёрий ҳужжатлар иш вақтидан унумли фойдаланиш, ислохотлар мубойида қонун устуворлигини таъминлашга, иқтисодиётнинг жадал суръатларда ривожланишига хизмат қилмоқда.

Замонавий ахборот технологиялари суд-ҳуқуқ соҳасига ҳам татбиқ этилмоқда. Жумладан, ҳужжалик судига ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида муурожаат этиш тартибини соддалаштириш, муурожаат этувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг вақтлари ва маблағларини тежаш мақсадида ахборот технологияларидан фойдаланиш йўлга қўйилмоқда. 2013 йилнинг 1 июнидан амал қила бошлаган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан Ҳужжалик-процессуал кодексига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар судга муурожаат этувчиларга бир қатор қулай имкониятларни ҳавола қилди.

Юридик ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси Олий Ҳужжалик судининг "www.Economical-court.uz" ёки www.oxs.uz расмий сайти орқали даъво аризалари (қарши даъво аризалари) ва илова қилинган ҳужжатларни, илтимосномаларни электрон шаклда юбориш имкониятига эгалар. Даъво аризалари (қарши даъво аризалари)ни ва илова қилинган ҳужжатларни юбориш учун юридик ёки жисмоний шахс расмий сайтининг "Электрон қабулхона" рункига кириб, рўйхатдан ўтди. Рўйхатдан ўтиш учун ўзига логин ва парол танлаб, фамилияси, исми, отасининг исми ҳамда электрон манзилини кўрсатиши шарт. Ушбу дастурда ҳужжалик судига муурожаат этган шахс рўйхатдан ўтиши билан ўзининг шахсий кабинетига эга бўлади. Шахсий кабинетига кўрсатилган даъво аризаси ва қарши даъво аризаси деган рунклардан бирига кириди. Даъво аризаси ва қарши даъво аризасини юбориш учун ўзининг шахсий кабинетига қўйиб даъво аризаси ва қарши даъво аризаси деган рункга кириб, ундаги маълумотларни (даъвогар ва жавобгарнинг тўлиқ манзиллари, банк ҳисоб рақамлари, муассаса номи, раҳбарлари қабиляр) тўлиқ киритади. Сўнгра "сақлансин" деган тугма босилиб, ҳужжалик суди танланади. Шундан кейин дастур даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларни бириктиришни сўрайди. Даъво аризаси ва унга илова ҳужжатлар албатта "PDF" форматида сканер

Раҳматжон АБДУРАҲИМОВ,
Фаргона вилоят прокурорининг ёрдамчиси,
Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq»

қилинган бўлиши керак. Ушбу ҳужжатлар дастурга бириктирилгандан сўнг "жўнатиш" тугмасини босиш орқали ҳужжалик судининг электрон манзилига юборилади.

Ҳужжалик судига электрон тарзда муурожаат этган шахс судга юборган ҳужжатини электрон шаклда олиш имкониятига ҳам эга. Бунинг учун Республика Олий ҳужжалик судининг "www.Economical-court.uz" ёки www.oxs.uz расмий сайтига кириб ва ўзининг рўйхатдан ўтган шахсий кабинетига "Менин ҳужжатларим" файлига кириб, ўзи электрон тарзда судга юборган даъво аризалари рўйхатидан суд ҳужжати келган даъво аризани танлаб олади. Шу йўсинда очилган даъво аризаси бўйича суд томонидан берилган иш рақами, иш қайси кунга тайинлангани ҳақидаги тўлиқ маълумотларни олиши мумкин. Шунингдек, муурожаат этувчи шахс суд ҳужжатининг электрон шаклдаги нусхасини ҳам олиш имкониятига эга бўлади.

Олий ҳужжалик судининг расмий веб-сайтида даъво аризаси ва илтимосномаларни электрон шаклда қабул қилиш ҳамда суд ҳужжатлари, бошқа хат-хабарларни ишда иштирок этувчи шахсларга электрон юбориш тизимининг жорий этилгани амалиётда ўз самарасини бермоқда. Олий ҳужжалик судининг расмий веб-сайтида, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, иқтисодиёт соҳасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қиладиган янги "Электрон кутубхона" дастурий таъминоти ишга туширилди. Унда тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятларида фойдаланадиган барча норматив ҳужжатлар, шунингдек, Олий ҳужжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари, суд амалиётининг умумлашмалари, суд ҳужжатлари ва уларнинг намуналари ва бошқа ҳуқуқий манбалар доимий жойлаштириб келинмоқда.

Қайд этиш керакки, 2014 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳужжалик судларида суд мажлисларини видеоқонференцалока режимини ўтказиш тизими ишга туширилди. Бу судда иштирок этувчи шахслар, жумладан, тадбиркорлик субъектлари вакилларининг вақтлари ва маблағларини тежаш, ўз ҳудудларидан чиқмасдан туриб, бошқа ҳудуддаги суд мажлисларида қатнашиш имконини беради.

Ҳужжалик-процессуал кодексининг 90-моддасига асосан, суд мажлисини видеоқонференцалока режимини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар суд харажатлари таркибига киритилган бўлиб, уларнинг суммаси ҳужжалик суди томонидан белгиланади ва ишда иштирок этувчи шахслардан ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ХПКнинг 95-моддасига мувофиқ равишда ундирилади.

Инсон манфаатларини қўзғаб амалга ошириладиган суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнида судга муурожаат қилувчиларга, шу жумладан, тадбиркорлик субъектларига юқоридаги каби қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда.

Инсон қадр ҳар нарсадан улуғ

Ўзбекистон Республикасида инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ҳуқуқлари энг олий қадрли сифатида эътироф этилган бўлиб, уларни таъминлаш Конституция билан қафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Исроил Каримовнинг "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари" номи стратегия аҳамиятига эришган асарига ҳақли равишда: "Енгил йўл билан жуда катта бойлик орттириш шарҳаси турли мамлакатлардаги жиноятчи, унсурларнинг бирлашишига, халқаро жиноий ҳамжамиятлар пайдо бўлишига олиб келишини кўрсатувчи мисоллар бутун дунё амалиётини тартибга солиш, деб таъкидланган.

XXI асрда глобал тус олган одам савдоси трансмилий жиноятчиликка айлангани Президентининг фикрини яққол исботлаб турибди. Мазкур муаммони ўрганиш бўйича 155 мамлакатда ўтказилган кузатувлар ҳам бундан далолат беради. Халқаро мутахассисларнинг эътирофи асосида, одам савдоси халқаро жиноий гуруҳларга йилга 32 миллиард АҚШ доллари миқдорига даромад келтирмоқда. Айрим экспортларнинг ҳисоб-китоблари кўра, дунё бўйича 200 миллиондан кўпроқ одам замонавий қулчилик қурбонига айланган. Ушбу чегара билмас жиноятчилик ҳозирги кунда 127 давлатда кенг тарқалган.

Халқаро ҳамжамият томонидан трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича глобал тизимнинг яратилгани мамлакатимизда "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилинишига эҳтиёж туғдирди. Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самардорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига бўносан Республика Идоралараро комиссияси Низоми ҳамда 2008-2010 йиллар учун мўлжалланган Миллий тадбирлар режаси ишлаб чиқилди ва бу ҳужжат муваффақиятли амалга оширилди.

"Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонунда одам савдосига қарши курашиш, одам савдоси ва одам савдоси билан шуғулланувчи шахс тушунчалари қўзғалган бўлиб, улар қонунийликка атама сифатида ҳам киритилган. Чунотчи таърифига кўра, одам савдоси — қуч билан таҳдид қилиш ёки қуч ишлатиш ёхуд бошқа мажбурлаш шаклларида

фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг розилигини олиш учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиш орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилишдир. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланиш ёки улардан шахвоний мақсадада фойдаланишнинг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматларни, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатларни, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади.

Одам савдоси билан шуғулланувчи шахсга ҳам қонунда лўнда таъриф берилган. Унда мустақил равишда ёки бир гуруҳ шахслар таркибиде одам савдоси билан боғлиқ ҳар қандай ҳаракатни содир этувчи жиноий ёки юридик шахс, шунингдек ўз ҳаракатлари билан одам савдосига қўмақлашадиган, худди шунингдек гарчи ўз мансаб ваколатларига кўра тўқинлик қилиши ва қарши курашиш шарт бўлса ҳам одам савдосига тўқинлик қилмайдиган ёки қарши қилмайдиган мансабдор шахс одам савдоси билан шуғулланувчи шахс ҳисоблангани белгиланган.

Мамлакатимизда одам савдосига қарши курашишнинг ҳуқуқий асослари ҳақида гапирилганда Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 8 июль кунги қонун билан БМТнинг трансмилий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь) тўлдирувчи одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги протоколи ратификация қилингани таъкидлаб ўтиш лозим.

Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистоннинг дипломатик ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги қонунийлик, жавобгарлигининг муқаррарлиги, мазкур жиноятдан жабрланганларнинг камситилишига йўл қўй-



Алишер АБДУСАЛОМОВ,
Қўрай туман прокурори

маслик ва ижтимоий ҳамкорлик сингари принципларга асосланадиган одам савдосига қарши курашиш бўйича фаолиятни бевоқифа амалга оширувчи давлат органлари сифатида белгилаб қўйилган. Одам савдосининг олдини олиш, уни аниқлаш, унга чек қўйиш, унинг оқибатларини минималлаштириш, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш учун одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ва унинг худудий бўлимлари тузилган. Шунингдек, одам савдосидан жабрланганларга ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси томонидан иттиҳослаштирилган муассасалар ташкил этилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, одам савдоси жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори. Чунки у инсон соғлиги, ҳаёти ва бошқа ҳуқуқларига таъвоуз қилади, ёшлар маънавиятини, ахлоқини бузди. Шу сабабли Жиноят кодексининг "Одамлардан фойдаланиш учун уларни ёллаш" деб номланган 135-моддаси янги таҳрирда "Одам савдоси" деб ўзгартирилди. Ушбу модда уч қисмдан иборат бўлиб, уларда жиноий хатти-ҳаракатларнинг белгилари аниқ кўрсатилган. Унинг иккинчи қисмида жавобгарликини оғирлаштирувчи 10 та ҳолат назарда тутилган, учинчи қисмида эса жавобгарликини ўта оғирлаштирувчи 4 та ҳолат кўрсатилган. Жиноят кодексининг 135-моддаси биринчи қисми бўйича қамқо жазоси 3 йилдан 5 йилгача (аввалгисиде 6 ойгача), иккинчи қисмига кўра, 5 йилдан 8 йилгача (аввалгисиде 5 йилгача), учинчи қисми санкциясида 8 йилдан 12 йилгача (аввалгисиде 5 йилдан 8 йилгача) озоқликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Бунга фаолиятимиздан мисоллар келтиришимиз мумкин. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми "г" банди ва 28, 223-моддаси 2-қисми "б" банди ва 131-моддаси билан судланувчи Зулфия Нажмиддинова бир гуруҳ шахслар таркибиде содир қилган жинояти учун суд олдида жавоб берди. Ушбу иш жиноят ишлари бўйича Қўрай туман судида кўрилди.

(Давоми 9-бетда)

Сиёсий партиялар фаолиятининг молиялаштирилиши ва унинг ҳуқуқий асослари

Мансур МУСТАНОВ,
Инсон ҳуқуқлари бўйича
Ўзбекистон Республикаси
Миллий маркази бош
мутахассиси

Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Хусусан, тараққий топган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, республикамизда ҳам сиёсий партияларнинг фуқаролик жамияти институти сифатидаги ҳуқуқий асослари шаклланди. Сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш мақсадида конституциявий қонун ва бир нечта қонуности ҳужжатлари қабул қилинди.

Сиёсий партия тушунчаси, фаолиятининг ҳуқуқий асослари, фаолият кўрсатиш принциплари, ҳуқуқлари ва бошқа улар фаолиятига тегишли бўлган нормаларни белгиланган Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни 1996 йил 26 декабрда қабул қилинди. Қонуннинг 1-моддасида сиёсий партияга қуймағача таъриф берилди: "Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилуви ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир".

Бундан ташқари, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада кучайтириш мақсадида 2007 йилнинг 11 апрелида "Давлат бошқарувини янгилash ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни қабул қилинди.

Сиёсий партияларнинг жамиятдаги ва сиёсий муносабатлардаги функцияларини тўла бажара олишлари учун 2004 йил 30 апрелда сиёсий партияларни молиялаштириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишчи "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинганлигини

алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур қонунга кўра, сиёсий партияларни молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат этиб белгиланди:

- кириш ва аъзолик бадаллари, агар сиёсий партиянинг уставида бундай бадаллар тўлаш назарда тутилган бўлса;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар;
- давлат бюджетидан ажратилган маблағлар;
- Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари ва фуқаролари томонидан бериладиган хайрия ёрдами.

Юқорида келтирилган молиялаштириш манбалари орасида давлат томонидан молиялаштириш муҳим аҳамият касб этади. Сиёсий партияларнинг давлат томонидан молиялаштирилиши учун қисмга бўлиш мумкин. Демак, биринчи қисми сиёсий партияларнинг уставада назарда тутилган фаолиятининг давлат томонидан молиялаштирилиши. Бу қуйидагича амалга оширилади. Партия, сайлов якунлари бўйича Қонунчилик палатасида сиёсий партия фракциясини тузиш учун зарур миқдорда (камида тўққиз депутат сайланган бўлса) депутатлик ўринларини олган бўлса, ўзининг уставада назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Шунингдек, партиянинг Уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағларининг йиллик ҳажми шу маблағларни ажратиш мўлжалланаётган йилдан олдинги йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра белгиланган эг кам иш ҳажмининг икки фоизини Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ўтказилган охириги сайловда сайловчи раўйхатга киритилган фуқаролар сонига қўйилмаси миқдорда шакллантирилади.

Иккинчи қисми партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини давлат томонидан молиялаштириш бўлиб, у қуйидагича амалга оширилади. Партиянинг

Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишини молиялаштириш учун ажратиладиган давлат маблағлари шу партиядан Қонунчилик палатасида депутатлигига кўрсатилган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингандан кейин рўйхатга олинган номзодлар сонига мувофиқ ҳажмида сиёсий партиянинг ҳисоб-китоб ва рағига белгиланган тартибда ўтказилади.

Алоҳида қайд этиш керакки, партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади ҳамда партияларни сайловда бошқа маблағлар ҳисобидан молиялаштириш ва моддий жиҳатдан ўзгача тарзда қўллаб-қувватлаш қонун билан тақиқланади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан:

сайловдоли кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр қилишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга;

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловдоли ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга;

сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тад-

бирларга сарфланади.

Учинчи қисми Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари фаолиятининг давлат томонидан молиялаштирилиши бўлиб, у фракцияларнинг фаолиятини ташкилий, техникавий жиҳатдан ва бошқа тарзда таъминлаш учун ажратиладиган давлат маблағлари Қонунчилик палатасининг харажати сметасида назарда тутилади.

Сиёсий партияларни молиялаштириш манбаларидан яна бири бу партияларга берилган хайрия ёрдамидир. Қонунга кўра, партия хайрия ёрдамини фақат Ўзбекистон Республикаси юридик шахслари (чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар бундан мустасно) ва фуқароларидан пул шаклида ҳамда мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзида ва фақат уставада назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун олиш ҳуқуқига эга.

Шу билан бирга, қонунда партияларга хайрия ёрдами беришда маълум бир чеклашлар мавжуд. Хусусан, партияларга пул маблағлари шаклидаги, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш, ишлар бажариш тарзидаги (шу жумладан грантлар ажратиш, техник ёрдам кўрсатиш, сафарлар билан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида ўтказиладиган тренинглр, семинарлар, конференциялар билан боғлиқ харажатларга ҳақ тўлаш орқали) хайрия ёрдами қуйидагилар томонидан берилишига йўл қўйилмайди: чет давлатлар; чет давлатларнинг юридик шахслари, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари; халқаро таъкилотлар, уларнинг ваколатхоналари ва филиаллари; чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар; чет эл фуқаролари; фуқаролиги бўлмаган шахслар.

Шунингдек, фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари, диний ташкилотлар ва номи яширилган ёки фақат тахаллуси кўрсатилган шахслар томонидан сиёсий партияларга пул маблағлари шаклида, мол-мулк бериш, хизматлар кўрсатиш бериш бажариш тарзида хайрия ёрдами берилишига ҳам йўл қўйилмайди.

"Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ 2005 йил 16 мартда Ўзбекистон Республикаси Вазирилр Маҳкамаси томонидан сиёсий партияларнинг Уставида назарда тутилган фаолиятини молиялаштириш учун давлат маблағларини олиш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилash мақсадида "Сиёсий партияларнинг уставада назарда тутилган фаолиятини давлат томонидан молиялаштириш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида"ги Қарор қабул қилинган. Мазкур қарор билан қонунда белгиланган нормаларнинг механизми кенроқ очиб берилди.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда ушбу соҳада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар партиялар фаолиятини молиялаштиришнинг давлат қарорларига яратилишига ва уларнинг барқарор иқтисодий манбалари белгилашига олиб келди. Шу билан бирга, халқаро андозаларга жавоб берадиган бундай амалиёт амалда ўз ифодасини топанлиги, партияларнинг дастурий фаолияти самарадорлиги ошишида, улар ўртасидаги соғлом рақобат муҳити ривожланишида янги имкониятлар очиб берди.

Ислоҳотлар даврининг долзарб вазифаси

Бугунги кунда ҳалқимизнинг хоҳиш-истаги асосда мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилмоқда. Бу жараёнда демократик тамойилларга асосланган бир қатор янги қонунлар қабул қилинди, мавжуд қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг асосий фаолияти қонун устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, фуқароларнинг иқтисодий, иқтисодий, шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини муҳофаза қилишга қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунининг янги тахрирда қабул қилиниши билан прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши курашувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириб бориши, тергов ва суриштирув ҳамда тезкор-кидирув фаолияти устидан назоратни амалга оширишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилишга устувор аҳамият берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Исрол Қаримов таъкидлаганидек, "Прокурорлар фаолиятига улар томонидан кўзатилган жиноий ишлар ёки жавобгарликка тортилган фуқаролар сонига қараб эмас, балки тегишли ҳудудда қонунчиликка амал қилишининг ҳолатига қараб баҳо берилди".

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасида прокуратура орган-

ларини ташкил этиш ва улар фаолиятининг асосий принциплари белгиланган. Унга кўра, прокуратура органлари ҳодимлари ўз фаолиятларида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда бошқа қонунларнинг талабларига аниқ риоя этишлари ва уларни бажаришлари шарт. Қонунларни аниқ бажаришдан ва уларга риоя этишдан ҳар қандай чекиниш, қандай асосларга кўра қилиншидан қатъи назар, қонунийлики бузиш деб ҳисобланади ва белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Прокуратура органлари фаолияти қонун устуворлигини ҳар томонлама қарор топтиришга, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, Конституцияда белгиланган инсон ва фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилгандир.

Бу йўналишдаги фаолиятни оғиш-

май амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий ҳудудлари билан прокурортергов ҳодимлари зиммасига масъулиятли вазифа юклатилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 31-сонли соҳавий буйруғида "Фуқароларнинг ҳуқуқларини чеклаш билан боғлиқ тергов ҳаракатларини ўтказишда қонунчи ҳар қандай тарзда четлаб ўтиш, адолатсизлик ва шахсининг кадр-қиммати, шаънини камситишга йўл қўйиш каби ҳолатларга фавқулодда ҳодиса деб қаралиб, бунга йўл қўйган шахсларнинг жавобгарлик масаласи қонун доирасида қатъий ҳал этилсин", деб белгиланган.

Таъбир жоиз бўлса айтиш мумкинки, халқ иродасининг олий ифодаси ҳисобланган қонунларнинг бажарилиши давлатнинг тараққиёт ва демократик даражасини кўрсатибгина қолмай, балки ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларда юксалиш гарови, инсон ва фуқаро ҳуқуқларини таъминлашнинг амали қарорлари, барча давлат органлари ҳамда мансабдор шахслар фаолиятининг иш сифати даражаси ва самарадорлигини баҳолашнинг муҳим мезонидир. Мазкур ҳуқуқий мезонлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар,

жумладан, ўз вазифаларига кўра қонунийлик билан боғлиқ бўлган прокуратура органларига ҳам тўлиқ тааллуқлидир. Чунки прокуратура органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қарор қилиш борасидаги ваколат ва мажбуриятларини ҳар томонлама амалга ошириш, улар фаолияти қонунийлигининг асосий кўрсаткичидир.

Бу борада прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида қонунчиликка қатъий риоя этиш аинқаса зарур. Жиноятчиликка қарши курашда қонун устуворлигига тўла риоя қилиниши ишга тааллуқли барча ҳолатларнинг ҳар томонлама, тўлиқ ва ҳолсизона ўрганилишини, ҳар бир жиноят ишининг тўғри, қонунга мувофиқ равишда қўриб қилиниши ва ҳал этилишини, жиноят ишларининг юритилиши жараёни иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини, фуқароларни қонунни ҳурмат қилиш ва унинг талабларига риоя қилиш руҳида тарбиялашни таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади.

Жўрабек РАХМАНОВ,
Хоразм вилоят прокуратураси бўлим
прокурори

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизими унинг асосий йўналишлари

Жамиятимизда олиб борилаётган ислохотлар барча жабуларда кенг қўл очиб
ёзмоқда ва улар пировард натижада мамлакатимизнинг иқтисодий ва сий-
сий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қиломқда. Ўтиш даврида амалга
оширилаётган ислохотлар, албатта, ҳар бир давлат учун кўпгина муаммо-
ларни туғиради. Буларнинг энг хавфлиси, шубҳасиз, жиноятчиликлар.

Сир эмаски, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан иборат бўлган бутун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг кўп босқичли фаолиятини қонунан мустаҳкамлаб қўйиш мақсадида 2014 йил 14 майда Ўзбекистон Республикасининг "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Қонуни қабул қилинди.

Қонуннинг мазмунини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарадиган сабабларни ҳамда ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон берадиган шароитларни аниқлашга, уларни бартараф этиш чораларини амалга оширишга қаратилган умумий, махсус, яқка тартибдаги ва виктимологик профилактикасини ташкил этиш ҳамда амалга ошириш борасидаги фаолиятни ташкил этади.

Қонунда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектлари ўзаро ҳамкорлик қилишининг ҳуқуқий механизмлари мустаҳкамланган бўлиб, бу улар фаолиятининг мувофиқлаштирилишига, бутун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимини ташкил этишда ягона ёндашувга олиб келади. Айтиб ўтиш жоизки, мазкур Қонуннинг 13-моддаси адлия органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги ваколатларига бағишланган бўлиб, мазкур модда орқали Адлия вазирлигининг ҳуқуқбузарлик профилактикасида тугган ўрни намоён бўлади. Ушбу модданинг мазмунига кўра адлия органлари:

— ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

— ҳуқуқбузарликлар профилактикасида доир дастурларни ишлаб чиқади, тасдиқлайди ва амалга оширади;

— ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширади, шу жумладан, ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлайди, бартараф этади;

— аҳоли ўртасида жамиятдаги ҳуқуқий онгни, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга ва қонунийликни мустаҳкамлашга қаратилган ҳуқуқий тарғибот бўйича фаолиятни амалга оширади ҳамда мувофиқлаштириб боради;

— ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этади;

— ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга оширади, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан тақлифлар киритади;

— ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи бошқа органлар ҳамда муассасалар билан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Шу билан бирга, Адлия вазирлигининг ушбу соҳадаги ўрни мазкур ваколатлар билан чегараланмасдан, балки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 августдаги ПҚ-1602-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисидаги Низомда қайд этилган вазифа ва функциялардан келиб чиқади.

Фуқароларнинг конституций

ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни, қонун устуворлиги, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари фаолиятида қонунийликни таъминлашга йўналтирилган жамият ва давлат қурилиши соҳасида норма ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти соҳасида ягона давлат сиёсатини илчил амалга ошириш мазкур вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига мувофиқ, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида уларни ҳуқуқий экспертиза ва давлат рўйхатидан ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тақдим этади.

Ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш жараёнида Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун ноқулай шарт-шароитларни яратадиган ёки уларни ёмонлаштирадиган, шунингдек маълуматда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига зид ҳуқуқий нормаларни ўз ичига олган ҳужжатлар қабул қилинишининг олди олинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси учинчи қисми билан вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни амалга киритганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилишлари белгилаб қўйилган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат рўйхатидан ўтказмасдан қабул қилиниши ва ижрога юборилишининг олдини олиш мақсадида 2014 йил 14 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси XVI боби (Бошқарувнинг белгиланган тартибига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик) 198-3-модда билан тўлдирилди. Ушбу моддада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг мансабдор шахслари томонидан амалга киритилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш бўйича суд ваколатларини кенгайтириш мақсадида кодексга киритилган 198-3-моддада назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни қўриб чиқиш суднинг ваколатига ўтказилган.

Адлия вазирлиги идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ва давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда давлат рўйхатидан ўтказилмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар юзасидан тегишли вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларга, ушбу ҳужжатларнинг бекор қили-

Ақбар МУСАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Адлия
вазирлигининг бошқарма бош
маслаҳатчиси

ниши ва ижродан қақириб олиниши бўйича тақдимномалар киритишини инобатга олган ҳолда, адлия органларининг мансабдор шахсларига вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ноқонуний амалга киритилганлиги факти аниқланган тақдирда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузиш ваколати берилган.

Бундан ташқари, ҳозирги кунда адлия органлари томонидан бошқа орган ва ташкилотлар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларнинг моҳиятини тушунтириш борасида турли хил тадбирлар ўтказилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг ҳуқуқий экспертизаси давомида мазкур лойиҳаларнинг уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупция, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилиши учун шарт-шароит яратадиган, шунингдек тадбиркорлик субъектлари учун асоссиз харажатлар қилишга олиб келувчи ортқча маъмурий ҳамда бошқа чекловларни жорий этадиган қоидалар ва нормалар бор-йўқлигини аниқлаш нуктаи назаридан ҳам таҳлилни амалга оширади.

Шу билан бирга, Адлия вазирлигида қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини уларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари тизимида коррупциянинг келиб чиқишига, бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига шарт-шароит яратиб берадиган, шунингдек, тадбиркорлик субъектлари учун ортқча маъмурий ва бошқа чекловларни жорий қиладиган қоида ва нормаларни, тадбиркорлик субъектларида асоссиз харажатларни вужудга келтирувчи қоидаларни аниқлаш бўйича таҳлилий функция юклатилган.

Адлия вазирлиги томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизасини ўтказиш жараёнида лойиҳаларнинг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунчиликка, шунингдек, қонунчилик техникаси қоидаларига мувофиқлиги текширилади. Бундан ташқари, ҳуқуқий экспертиза ўтказиш жараёнида лойиҳаларнинг маълуматда олиб борилаётган ислохотларнинг мақсад ва вазифаларига мувофиқлигини ҳамда давлат органлари томонидан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, келишиш ва ҳуқуқматга киритишининг белгиланган тартибига риоя қилинишини текширади.

Шунингдек, Адлия вазирлиги ўз Низомига мувофиқ доимий равишда жамиятда аҳолининг ҳуқуқий онгини, ҳуқуқий маданиятини оширишга ва қонунийликни мустаҳкамлашга йўналтирилган давлат органлари, жамоат бирлашмаларининг ҳуқуқий тарғибот ва маърифат соҳасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни амалга ошириш ишларини олиб боради.

Хулоса ўрнида шунини айтиб ўтиш мумкинки, Адлия вазирлиги ҳуқуқбузарликларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омилларнинг бартараф этишга йўналтирилган ваколатларга эга бўлиб, мазкур йўналишда доимий фаолият юритиб келмоқда.

Ҳуқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидан илдам бораётган мустақил мамлакатимизда фуқаролар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳар бир соҳа ривожини қонунан мустаҳкамлаб қўйилган. Қонун ҳужжатларининг тобора такомиллашиб, халқаро мезонларга мос ва хос мазмун касб этиб бораётгани юқоридаги мақсадимиз сарини қўйилаётган муҳим қадимлар демаккир.

Қонунлар такомиллашмоқда

Ойбек АСКАРОВ,
СВОЖДЛҚК департаментининг Наманган вилоят
бошқармаси бошлиғи ўринбосари

"Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларни ҳимоясини қўйиштиришга хизмат қилиши билан аҳамиятга эришди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур қонуннинг асосий мақсади давлат тузилмалари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан иборат бўлган бутун ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг кўп босқичли фаолиятини қонунан мустаҳкамлаб қўйишдан иборат.

Норматив базани таҳлил қилиш шунини кўрсатдики, ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари қонунларнинг айрим нормалари, ҳуқуқмат қарорлари, идоравий ҳужжатлар билан тартибга солинарди. Бу эса ушбу масалаларни ҳал этиш лозим бўлган профилактика субъектлари ҳаракатларини мувофиқлаштириш ва самарадорлигини таъминлашнинг тўлиқ имкониятини бермасди. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши эса ташкилотлар, қорхоналар ва муассасаларнинг мансабдор шахсларига кенг қўламли профилактика тадбирларини ўтказишда етарли даражада фаолият ва ташаббус кўрсатиш имконини беради.

Албатта, қонунни тайёрлашда МДҲ ва хориж мамлакатларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги тажрибаси ўрганиб чиқилди. Халқаро амалиётни ўрганиш бир қатор чет мамлакатларда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси масалалари ягона қонун ҳужжати билан тартибга солинганини кўрсатди. МДҲ давлатларида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бевосита ички ишлар органларининг тегишли бўлинмалари, давлат хавфсизлиги органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органлар томонидан амалга оширилади. Ўз навбатида, бу борадаги қонунлар ижобий ҳаёт қадриятларини тарғиб қилиш, турли ҳаётий вазиятларга тушиб қолган шахсларни қўллаб-қувватлаш чораларини ҳам назарда тутди. Шунингдек, давлат органлари фаолият устидан жамоат институтлари ва бевосита фуқароларнинг жамоат назоратини амалга ошириш принципи қонунан мустаҳкамлаб қўйилган.

Ана шулардан келиб чиқиб, қолверса, мамлакатимиздаги миллий институтлар мақсад ва вазифаларини ҳисобга олган ҳолда "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилиниши лозим деган хулосага келинди. Мазкур қонун ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг мақсадлари, вазифалари, принциплари, асосий йўналишлари, у билан боғлиқ асосий тушунчалар, унинг асосий субъектларининг рўйхати ва ваколатлари, умумий, махсус ва яқка тартибдаги ва виктимологик чораларни ўз ичига олган ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чоралари тизими, уларни амалга ошириш тартиби ва бошқаларни назарда тутди.

Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш, унинг молиявий ва моддий-техник таъминоти масалалари, субъектларнинг мажбурияти ва жавобгарлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг кафолатлари ҳам тегишли моддаларда ўз аксини топган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонуннинг қабул қилиниши жиноятчиликка қарши кураш, жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатларини модернизация қилишга қаратилган, давлатнинг демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш стратегиясини билан уйғун бўлиб, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга хизмат қилади.



Куз кунларининг бирида...

Қизил рангли "Матиз" йўл четига ўтиб тўхтади. Ундан икки йиғит тушиб, аввалига чор-атрофни бир сира ўрганиб чиқишди. Яқин орада ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишди чоғи, машина орқа ўриндиғида беҳуш ётган аёл кишини ерга туширишди. Сўнг уни судраб дарахт тагига олиб боришди. Оёқлари остидаги хазонларни бир ерга тўплаб, улар билан аёлнинг устини ёпган бўлишди.

Бир қарашда дарахт остида, хазонларга кўмилиб, бир тирик инсон ётгани ҳеч кимнинг хаёлига келмас эди...

Бу воқеадан бироз олдин Миржалол (исм-фамилиялар ўзгартirilган) таниши Жамшид билан кўришиб, Юнусобод томон йўл олишди. Кидирган танишини тополмаган йиғитчалар ўша атрофдаги дўконларни бемақсад айланиб юришди. Улар кўзларини дўкон пештахтасидаги сўнгги русумдаги қўл телефонларидан узолмас, қани энди чўнтакларни тўла пул бўлса-ю, улардан бир эмас, бир нечасини сотиб олишса...

Кузнинг куни эмасми, тезда кеч ҳам туша бошлади.

— Менда манави бор, — дея Миржалол ёнидан бир ўра сым чикарди. — Таксичиларни тунаймиз. Бўйнидан ошириб бир тортсам, пулиниям, телефониям ўзи чикариб беради.

— Шуни вақтлроқ айтмайсанми, — деди Жамшид шеригининг қўлидаги сым арқонни олиб кўраб экан.

— Унда такси ушла, Чуқурсой томонга кетамиз. Уша ёқда ишни битирсак, изимизни топишолмайди.

Улар катта йўл четига чиқишганида олдиларига кумушранг "Нексия" келиб тўхтади.

— Чуқурсойга, — деди Жамшид ҳайдовчига бир сидра қараб олиб. — Қайтишда юк олиб қайтамыз.

Ҳайдовчи индамай жўнаб кетди.

— Қанақа юк, қанланг жойидами? — деди шеригининг гапига тушунмаган Миржалол.

— Ҳайдовчининг бақувватлигини кўрмадингми? Арқонпарқонинг билан мижғилаб ташлашди. Бизга бунақаси тўғри келмайди, шунинг учун юкни баҳона қилиб жўнатвордим, — деди Жамшид.

Улар кўп кутишмади. Миржалолнинг ишорасига қизил рангли "Матиз" келиб тўхтади.

— Чуқурсойга, — деди Миржалол ва ҳайдовчининг жавобини кутмай ўзи машинанинг олдинги, Жамшид эса орқа ўриндиғига ўтириб олишди.

Таксичи ўрта ёшлардаги аёл экан. Ҳар куни бунақа ёшялангдан нечасини манзилига элтиб қўяди. Шунинг учун уларнинг узук-юлук гапларига эътибор ҳам бермади.

Айтилган манзилга яқин қолганда Миржалол қайта-қайта ишора қилса ҳам, Жамшид "ишга киришмади".

Жамшид "Опа, анави кўчага қайрилиш" — деди.

Таксичи ҳар куни юз хил одамни кўравериб кўчага кириб қолган эмасми, кўзлари бежо йиғитчаларнинг нияти бузилганини сездди. Шундай бўлса-да, рулни улар айтган хилват кўчага бурди. Шу пайт унинг қўл телефони жиринглаб қолди.

Телефонга чалғиган ҳайдовчи хушёрликни йўқотди. Орқа ўриндиқда ўтирган Жамшид унинг бўйнига сым арқонни ташлаб, куч билан торта бошлади. Аёл қаршилиқ кўрсата туриб, рулни қўйиб юборди. Миржалол ҳаракатланаётган машинани тўхтатиш учун қўл тормозини тортди. Кейин жон ҳолатда қаршилиқ кўрсатаётган аёлнинг қорин қисмига зарб билан ура бошлади. Ҳолсизланиб, қаршилиқ кўрсатмай қолган ҳайдовчи ён томонга "шилк" этиб йиқилди.

Ҳайдовчи аёлни ўлди деб ўйлаб чўнтакларини титқилаб пул, пластик карточкаси, қўл телефони, тақинчоқлар ва автомашинага тегишли хужжатларни олган босқинчилар воқеа жойидан қочишга чоғланишди. Лекин Миржалол яна ортига қайтди.

— Тезроқ кетайлик, нима қилмоқчисан? — сўради ҳамон нима иш қилиб қўйганини тушунолмаётган Жамшид.

— Жасадни яшириш керак. Улар жон аломати сезилмай қолган аёлни бир амаллаб орқа ўриндиққа олиб ўтишди. Кейин Миржалол машинани ўт олдириб, хилват кўчалар томон ҳайдаб кетди.

Бу орада аёл хушига келди. Аммо бу босқинчилардан ҳар нимани кутиш мумкинлигига ақли етиб, ўзини ўлганга солиб ётаверди.

Бироз юришгач, Миржалол машинани тўхтатиб, "Шу ерга ташлаб кетамиз", деди. Иккови ҳам тушиб, атрофни бир сидра ўрганиб чиқишди. Яқин

Ҳамид АҚРАМОВ,
Олмазор туман прокурорининг ёрдамчиси

орада ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилишгач, машина орқа ўриндиғида беҳуш ётган аёлни ерга туширишди...

Улар жўнаб кетишгач, аёл ўрнидан туришга ҳаракат қила бошлади. Аммо бунга мадори етмади. Ҳар замонда машина ўтиб турган йўл томон судралиб бўлса-да етиб олди. Аллақачон қоронғи тушиб қолгани учун ўтиб кетаётган машинадагилар ожиз аҳволдаги аёлни пайқашмас, у эса бақириб ёрдамга чақиришга ҳам ўзида куч тополмаётган эди.

Агар тезроқ чорасини топмаса, ҳеч ким ёрдамга келмаслигини, изгиринда музлаб қолиши мумкинлигини тушунган аёл таваккал қилди: судралиб йўл ўртасига чиқди.

Ишдан кечроқ қайтаётган Азамат ака машина катнови кам йўлда бироз тезлигини оширди. Йўл ўртасида ётган одамга кўзи тушиб тормозни босди... Агар сал чалғиганида уни босиб кетиши аниқ эди. Бироз иккиланиб машинадан тушди. Бориб қараса, ўрта ёшлардаги аёл асфальтга чалқанча ётиб олган. Аёл узок кутган халоскорини кўргандай хўнграб йиғлаб юборди...

Йўл-йўлакай бўлган воқеани айтиб берди. Азамат ака жабрдийда аёлни қариндошлариникига олиб бориб қўйди. Улар тезда босқинчилик жинояти ҳақида ҳуқуқ-тартибот органларини хабардор қилишди. Жабрланувчига тез-тез бий ёрдам кўрсатилиб, шифонага ётқизилди.

Босқинчи йиғитчалар шу кунийк қўлга олинди. Қизиги, улар босқинчилик йўли билан эгаллаб олган автомашиналарида бироз қара қилишга ҳам улгуришган...

Эндигина 20 ёшни қоралаган М.Мирсобитов ва ҳали воёга етмаган Ж.Ҳошимов суд ҳукми билан узок йилга озодликдан маҳрум этилди.

Судда улар "адашиб, ёшлик қилиб қўйишганини" кўп такрорлашди. Аммо бир одамнинг молигагина эмас, жонига ҳам қасд қилишни "ёшликнинг шўхлиги" деб бўлмайди.

Бу икки йиғитча содир этган мудҳиш жиноят тафсилоти ва унинг оқибатини меҳнатсиз пул топишни орзу қилиб юрганларга сабоқ бўлсин деб баён қилдик.

Аёлни бежизга гулга қиёслашмайди. Шоир уларга атаб шеър битади, мусаввир эса гўзал сиймосини тасвирлашдан чарчамайди. Аммо баъзан ана шу таърифи тилларга сизмас аёлларнинг ноҳўя қилиқларини кўриб, "Наҳотки шу аёл бўлса!?" деб юборасиз.

«Машина олиб бераман!»

Иқбол ҚАМБАРОВ,
Жиззах вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Фаллаороллик Хонбуви Холиқова бир этак набирала-рига ибрат бўлиш, кексалик гаштини суриш ўрнига кейинги йилларда бир неча марта суднинг қора курсисига ўтириб чиқди. Охириги сафар ҳам халқимизнинг бағрикенглик тамойили бўлган амнистия актига кўра жазодан қутулиб қолди. Бу кечиримликдан у ўзига тегишли хулоса чикармади. Урганган кўнгил ўртанса кўймас, деганларидек, яна жиноятга қўл урди.

У Жиззах шаҳар мулк марказига бориб, кимошди савдосига қўйилган автомашиналарга харидор топар эди. Давлат эгалигига ўтказилган машиналар рўйхатини олиб, харидорларга сотиб олишни таклиф қиларди. Лекин у "фаолияти" давомиди мижозларни чўв туширганлиги маълум бўлди. Кўпчилик фуқароларнинг пулини олиб, ўзи эҳтиёллари учун сарфлаб юборган экан.

Бу сафар ҳам шундай қилмоқчи бўлди. Танишлари орқали Навоий вилояти Нурота туманидан Бахтиёр Раҳимовни топди. Унга "Мулк марказида танишларим бор, кимошди савдосидан яхши машина олиб бераман," дея ваъдалар бериб, 12 млн. сўм пулини олди. Машинадан дарак бўлавермагач, Б.Раҳимов Хонбувига телефон қилди. Хонбуви эса: — Шошилманг, бундай ишда шошқалоқлик ярамайди, — деб Бахтиёрни овултган бўлди. Орадан анча вақт ўтгач, машина ололмаслигига кўзи етган йиғит Хонбувидан пуллари қайтаришни талаб қилди. Аёл эса "Бошқа машина олиб бераман" деб, уни биржага олиб борди ва биз билан келганнингизни айтманг, дея ўзини киритиб юборди. Бахтиёр бу ерда ўзи излаган машина борлигини билиб қолди. Шундан сўнг улар нотариал идорага кириб, қарз шартномасини тузишди. Бу ерда Хонбуви унга:

— Ун кун ичида машина сизники бўлади, — деди. Қандай қилиб бўлса ҳам харидордан кўпроқ пул ундиришни кўзлаётган Хонбуви бир неча кундан сўнг Бахтиёрга телефон қилди:

— Биз олмоқчи бўлган машина сотилиб кетибди, — деди.

— Энди нима қиламиз?

— Мен яна бошқа машина кўриб келдим, янги экан, сиз рози бўлсангиз, шуни олиб бераман. Фақат озроқ пул қўша-

сиз.

Бунга ҳам рози бўлган Б.Раҳимов яна 13 млн. сўм келтириб берди. Бирок, Хонбувининг баҳоналари тугамади, иши ҳал бўлавермагач, алданганини сезиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилди.

Тез орада Бахтиёрга Хонбуви телефон қилиб қолди:

— Устимдан арз қилиб, бир-икки жойга борибсизми?

— Ишончимни оқламадингиз, бошқа нима қилишим керак? — деди Бахтиёр. — На машинани ҳал қиласиз, на пулини қайтарасиз, бошқа мендан яна нимани кутган эдингиз?

— Менинг кимлигимни биласанми? — деди сенсираб, дўк-пўлисага ўтган Хонбуви. — Сени урунги билан йўқ қилиб юбораман, хоҳласан пулнинг қайтараман, хоҳламасан йўқ, Каерга борсанг, боравер, — деб кўнғироқни узди.

Аммо, Хонбувининг бу фаолияти узокқа бормади. Қонун ҳамма учун баробар. Суд унинг қилмишига яраша жазо тайинлаб, ҳукм чикарди. Унга кўра Х.Холиқова хавфли рецидивист деб топилиб, 4 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, жабрланувчи Бахтиёр Раҳимовга етказилган 25 млн. сўмлик моддий зарар ундирилмайдиган бўлди.



Ҳар бир ота-она фарзанд тарбияси учун масъул, жамият ва давлат эса бундан манфаатдор. Шунинг учун ҳам Конституциямизнинг 64-моддасида: "Ота-оналар ўз фарзандларини вояга еттуналарига қадар боқиб ва тарбиялашга мажбурлар", деб ёзиб қўйилган. Чунки яхши фарзанд халқнинг қору борига ярайди, давлат манфаатлари йўлида бел боғлаб хизмат қилади.



Падаркуш

Рустам НОРЧАЕВ,

Қашқадарё вилоят
прокуратураси бўлим бошлиғи
Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

ликка берилиб, фарзандлари тарбияси, уларни ўқитиб, касб-корли қилиш ҳақида, энг яхши бисот — яхши тарбияланган фарзанд эканлиги тўғрисида ўйламади. Ўқимишни, ақлу ҳуши жойида бўлган болада ота-она билан бирга миллатнинг ҳам ҳаққи борлиги ҳаёлига келмади. Ўзи педагог бўла туриб, мамлакат ўз келажагини вояга етаётган ёшларга қараб белгилаши ҳаёлининг бир чеккасидан ҳам ўтмади. Оқибатда иззат-обрўсини йўқоти, оиланинг тинчи бузилди, рўзғоридан барака кетди.

1984 йилда туғилган, икки фарзанднинг отаси, тайинли бир касб-кори йўқ Бобомурод Шоимов ҳам, қуш уясидида кўрганни қилади, деганларидек, ичкиликбозликни касб қила бошлайди. Ўғли уйга ичиб келаятганини кўрган ота унга бир неча марта танбех беради. Отасининг насиҳати, қаттиқ танбех беришлари Бобомуроднинг асабини кўзгади. У "Отанг тентак бўлса, боғлаб бок", деган бироз кўполроқ мақолимизни, отанинг, ота деган сўзининг нақадар азиз ва мўътабарлигини унутиб, баъзан отасига қараб хезланиб ҳам қолар эди.

Аслида оталикнинг ҳам, фарзандликнинг ҳам ўзига яраша масъулияти, мажбурияти ва талаблари бор. Миллий қадриятлар ва аъёнларимизга назар ташласак, азалдан бу муҳим масалага алоҳида эътибор берилганлигини кўраимиз. Отага тик боқиб, ҳатто саволига овоз кўтариб жавоб қайтариш ўта номақбул иш саналади. "Ота рози — Худо рози, она рози — Пайгамбар рози", деган нақл ҳам беқорга айтилмаган. Шунинг баробарида отанинг зиммасида ҳам улкан вазифа ва бурчлар борки (ўғил-қизларига тарбия бериш, ҳалол ўстириш, одоб-ахлоқда намуна бўлиш ва ҳоказо), уларга амал қилиш айна саодатга эллади. Аммо ота ҳам, фарзанд ҳам бундай фазилатлардан мутлақо йироқ, кўрс-кўпол бўлишса-чи? Бундай ҳолда улар Раҳмоннинг эмас, шайтоннинг этакидан тутишлари турган гап.

Бобомурод ҳам Раҳмоннинг эмас, шайтоннинг эта-

ни содир этганликда айбли деб топилди ва унга нисбатан 16 (ўн олти) йил муддатга азодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Суд ҳукми ўқилиб, "падаркуш" деган тавқи лаънатни олган ўғил қилмишига яраша жазосини олибди-ку, яна мақолали давом эттириш шартмиди, дейишингиз мумкин, азиз газетхон!

Қилмишига яраша жазо олиб, панжара ортида ўтирган ўғилнинг ҳаёлидан нима-лар кечаётган экан? Орадан йиллар ўтар, у жазо муддатини ўтаб, ўз оиласи бағрига қайтар, аммо қўлларидан қўли падаари қони доғини ҳеч нарса билан ювиб бўлмастлигини билармикан? Ҳаётининг сўнгги кунига қадар виждон азобида яшашини-чи? Ҳар қадам, ҳар сонияда одамларнинг "падаркуш" деган нигоҳ билан қарашларига у қандай бардод бера оларкин?! Мана, сизга ичкиликбозликнинг оқибати ва аччиқ изтироблари!

Инсон дунёга нега келадими, нима учун уни тарк этиб кетади? Яшайдан мақсад нима? Фақат бир марта берилмайдиган умрни қандай ўтказиш керак? Маънавияти бой одамлар кўпроқ ана шу саволларга жавоб излайдилар. Бу изланиш кашфиётларга, ихтироларга, инсон ҳаётини энгиллаштиришга хизмат қилувчи янгилик яратишга олиб боради.

Бобомуродга ўхшаб ичкиликбозликка берилган, ўзининг тор шахсий манфаатларига ўралашиб қолган кимсалар эса тамоман бошқача фикрлайдилар. Инсоният тақдири улар учун бамисоли сарик чақа. Бундай одамлар худбин ва жоҳил бўлиб қолаётганларини сезмайдилар. Натихада уларнинг қилмишидан оила, фарзандлар, атрофдаги кишилар, бир сўз билан айтганда, жамият зарар кўради.

Ўқорида биз Бобомурод қилган жиноятни унинг онаси Бибибора Поёнова тан олганини таъкидлаб ўтган эдик. Ўғри, она боласи учун ҳамма нарсага тайёр бўлиши ҳаётда исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Ҳар қандай шароитда ҳам, ҳатто дўзах лабига келиб қолганда ҳам она қалбидаги сўнгги меҳр томчиларини боласига атайди. Бироқ шу ўринда она тўғри йўл тутдими? Бизнингча йўқ. Ота ва ўғил ўртасида даҳанаки жанг бўлаётганда, ўғил отага қараб хезланган пайтларда она қандай йўл тутган, деб ўйлайсиз? Ахир, оналар оилада ота билан фарзандлар ўртасида кўпик, энг яқин сирдош, тарбияда отага кўмақдosh бўлишлари сир эмас-ку! Нега у ота билан болани муросага келтиришда кўпик вазифини ўтамади? Наҳот, уларни тўғри йўлга солотмади? Бири кўтарилганда, бирини ҳовуридан туширишга уринса бўларди-ку!

Нега у ота ва ўғил ўртасидаги адоватга барҳам бериш чорасини кўрмади, рўзгорининг тинчлиги йўлида сув келса симириб, ўт келса кемирмади? Асло, аёл ўн ақлидан тўққизтасини рўзғори тинчлиги йўлида ишлатиши керак-ку, ахир.

Ҳа, ота ҳар қанча жоҳил бўлмасин, она оқилона йўл тасис, фарзанднинг отага нисбатан ҳурмати бошқача шаклланади. Машҳур ҳинд киноактёри Раж Капур бош ролини ижро этган "Дейди" фильмининг ёдга олайлик. Отаси ўғрилиқ туфайли

қамалиб чиқиб, кейинчалик ичкиликка ружу қўяди, уйдан бор-будини сотиб юборгани етмагандай яна онасини хўрлаётганига чидай олмаган ўғилнинг жаҳл устида "Бундай отанинг боридан йўғи яхши", деган ҳайқиригига онаси тарсаки билан жавоб беради. Бундан мақсад у одам ким бўлишдан қатъи назар, ота эканлигини, энг муҳимини, эри, оиласи устуни эканлигини гофил ўғлига ўқитиб қўйиш эди.

Ўқорида баён этилган фожеа сабабларини ўйлаб, ҳаёлимдан бир фикр ўтди. Қачондан бошлаб отага тик боқишга ҳаддими сизгадиган бўлиб қолди? Ёки ота қайси гуноҳи учун белидан қувват кетганда ўғлидан танбех эшитиши керак? Ривоят қилишларича, бир отахоннинг ақли, одоби ва меҳнаткуш уч ўғли бор экан. Қаҳратон қишда қор кўп ёғиб, томлар ҳам кўринмай қолибди. Шунда отахон ўғилларига эринмасдан қор тўхтагунча уларнинг томини кураб турунлар, — дебди.

— Хўп, бўлади, отахон, — дейишибди ўғиллар. Улар бошқа уйларнинг томини курашибди-ю, отаси ўтирган уй томининг қорини курамайдилар. Тонг отиб, отахон таҳорат олиш учун ташқарига чиқибди. Шунда у ўғил шоша-пиша отаси ўтирган уйнинг томига чиқиб, қорни курабдилар.

Ота ўғилларидан бунинг сабабини сўрабди. Шунда улар:

— Отахон, сиз ўтирган уйнинг томига чиқишимиз, бу сиздек табаррук зотнинг қониниғизга оёқ қўйиш билан баробар-ку, дейишибди. Бу жавобни эшитганга, отахоннинг юзиди табассум пайдо бўлибди, оқил фарзандлари шайнига дуо қилибди.

Қиссадан ҳисса шуки, ота-она фарзанд учун дунёдаги энг табаррук, энг азиз ва муҳтарам инсонлардир. Уларни ҳурмат қилиш, ҳамиша асраб-авайлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир. Бу авлоддан-авлодга ўтиб, қон-қонимизга сингиб кетган қадрият. Бундан кейин ҳам шундай бўлиши керак. Буни Бобомурод ҳам, унинг онаси Бибибора Поёнова ҳам билишлари керак эди.

Шоимовлар оиласи нотинч оилалар сирасига киришидан уларнинг қўни-қўнлилари, қариндош-уруғлари, қолаверса, "Бадахшон" маҳалла фуқаролар йиғинидагилар бехабар бўлишмас керак?! Агар хабардор бўлишса, нега бу хонадонда юзага келган зиддият, носоглом муҳит уларни безовта қилмади? Қолаверса, "Бир болага етти қўшни ота-она", деган нақл ҳам бор-ку! Ушбу жиноятнинг содир этилишида уларнинг "Менга нима?" қабилида иш тутганликлари ҳам сабаб бўлгани равшан, албатта. Агар улар бу хонадондаги жанжал адоватини ўз вақтида бартараф этишга киришганларида эди, бундай оғир жиноят содир этилиб, бир инсон навқиронлик даврининг асосий қисмини панжара ортида ўтказмас ва у оқпадар деган тавқи лаънатга қолмас эди.

Одамлар орасида одамийлик фазилатининг гултожи бўлган меҳр-оқибат йўқолганми, дея ўйга толасан, киши. Бир-биримизнинг ҳолимизни сўрамаска, яхши-ёмон кунларимизда бир-биримизга елка тутиб, ҳамдард бўлмасак, ахир биз нима учун яшаёмиз?

Диққат! Диққат! Диққат!

Барча юридик ва jisмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти худудий бошқармаси оммавий оферта савдоларига тақлиф этади. Қўйидаги давлат активлари бўйича оммавий оферта савдоси эълон қилинади:

Table with 7 columns: №, Давлат объект номи ва миқдори, Баънисда савдоччи, Умумий ер майдони (га), Бинонинг умумий майдони (кв.м.), Объектни бошқариш нархи (милн сўм), Энг кам инвестиция миқдори. Rows list various state-owned enterprises and assets for sale.

Олди-сотди шартномаларини тузиш шартлари:

Оммавий оферта натижалари эълон қилинган сандан бошлаб 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабдорлар давлат активи бошқариш нархининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдорда олдиндан Сotувчининг қўйидаги банк реквизитларига закалат пулини тўлашлари лозим:

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси:

Ғазначилик ҳисоб рақами: 20042186026266000000000000000002 СТИР: 200555539

Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси ҲХКМ

х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 МФО: 00014

Оммавий офертада қатнашишга буюртманома қабул қилиш, бидирлишнома эълон қилинган сандан бошланади ва 2014 йил 13 ноябрь кuni соат 13:00да тамом бўлади:

Талабдорнинг тақлифлари бидирлигдан конвертлари 2014 йил 13 ноябрь кuni соат 16:00да Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармаси биносида очилади.

Оммавий офертада қатнашиш учун савдо ташкилотчиси талабгор ёки унинг вакили оммавий оферта тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қўйидаги ҳужжатларни илова қилиш ҳолда буюртманомама икки нусхада тақдим этади:

1. а) Юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий офертада қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

б) Jisмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил оммавий офертада қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишонч-

нома;

2. Оммавий оферта тўғрисидаги бидирлишномада сотувчининг кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси.

3. Оммавий оферта шартларига мувофиқ тузилган ва қўйидагиларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор тақлифлари:

— сотиб олиш тўловларининг тақлиф этилаётган суммаси ва улари тўлаш муддати;

— инвестиция мажбуриятларининг тақлиф этилаётган суммаси, улари тўлаш шакли, муддати ва шартлари (агар мавжуд бўлса);

— агар бу оммавий оферта шартларига белгиланган бўлса, қўшимча равишда талабгорнинг молиявий мустақиллигини ва (ёки) тегишли тармоққа олдин амалга оширилган инвестиция лойиҳаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар киритилиши мумкин.

Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Мурожаат учун манзил: 100077, Тошкент шаҳар, Мустақиллик шoҳ кўчаси, 107-уй.

Маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 268-23-21, 268-27-29

Факс: 268-27-29

E-mail: toshvilraqobot@inbox.uz

Интернет тармоғидаги веб-сайт: www.gki.uz, www.gkitorg.uz.

Хурматли тадбиркорлар ва ишбилармонлар! Савдоларини ўтказиш жараёмида қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқларингизни бузилган тақдирда Давлат рақобат қўмитасининг (0-371) 259-21-37 ёки Давлат рақобат қўмитаси Тошкент вилояти худудий бошқармасининг (0-371) 267-74-64 рақамли Ишонч телефонида зудлик билан хабар беришингиз сўралади.

Савдоларга марҳамат қилинг!

Хизматлар лицензияланган

"FAR PIRAMIDA INVEST" МЧЖ бошқариш баҳоси босқичма-босқич охири бориш тартибиди ўтказиладиган очик "Ким ошди" савдосига тақлиф этади.

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Фарғона вилоят худудий бошқармасининг 2014 йил 30 сентябрь кuni 285 и/ч-сонли буйруқларига асосан қўйидаги бино-ишоотлар (кениги ўринларда "Давлат активи" деб юритилган) қўйилмоқда.

1. Фарғона вилояти Фарғона тумани Шоҳмардон ҚФЙ, Ердон МФЙда жойлашган "Дам олинмаскани" бино-ишоотлари. Бошқариш баҳоси — 260 286 224 сўм.

Аукцион савдолари 2014 йил 11 ноябрь кuni соат 10:00да бўлиб ўтади. Ким ошди савдоси шу кuni бўлиб ўтмаган ёки сотилмаган тақдирда тақорий савдолар 2014 йил 26 ноябрь, 11 ва 24 декабрь кунлари соат 10:00да бўлиб ўтади.

Талабдорлардан савдога қатнашиш учун аризалар савдодан бир кун олдин тўхтатилади. Савдога қўйилган объект ва унинг ҳужжатлари билан "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувига асосан, объектнинг бошқариш баҳосини 15 фоиз миқдорда закалат пулини тўлов

ҳужжатига объект номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "FAR PIRAMIDA INVEST" МЧЖнинг реқвизитлари, ИИН: 300 353 028, МФО:00539, "Асака" банк Фарғона бўлимидаги 20208000404602810001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабдорлар: Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусхаси, хорижий юридик шахслар — уларнинг устанибиган белгиланган тартибда легализация қилинган нусхаси, хорижий фуқаролар — чет давлат миллий ёки дипломатик паспорти ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва янаша гувоҳномага эга бўлган шахслар — янаша гувоҳнома билан хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси тақдим этади. Талабгор буюртманома бериш ва савдода ҳамда савдо натижаларини бўйича расмийлаштирилган ҳужжатлар ваколатли вакил томонидан қатнашганда ҳамда имзоланган тақдирда белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.

Талабдорларни қизиқтирган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Фарғона шаҳар А.Навоий кўчаси 54-уй, 18-хона. Тел. 0373 226-66-99, (+99890) 630-66-99 веб-сайт www.fcr-piramida.uz. Лицензия RR 0131.

Хизматлар лицензияланган

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ

тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан ташкиллаштирилган кўчмас мулклар ва уларга бўлган ҳуқуқлар бўйича ўтказиладиган савдосига тақлиф этади.

"Ўзбеклар" АК Фарғона филиалининг 24.09.2014 йил кuni 42-03-08/967-сонли хатига асосан Рингтон тумани Бўстон ҚФЙ Бужай қишлоғида жойлашган ҳозирга фойдаланилмайдиган собиқ АТС бино-ишоотлари савдога қўйилмоқда.

Кўчмас мулкнинг умумий майдони 184,44 кв.м. Бино ва ишоотлар жойлашган баҳоси — 140,40 кв.м.

Бошқариш маҳдони — 18 200 000 сўм. Савдо 2014 йил 5 ноябрь кuni соат 11:00да Савдо ташкилотчиси "EFFECT REAL GROUP" МЧЖда бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган мулк билан бевосита жойига чиқиб, ҳужжатлари билан Савдо ташкилотчисида танишишлари мумкин. Савдода иштирок этиш учун талабдорлардан аризалар ҳафтанинг расмий иш кунлари соат 16:00гача қабул қилинади.

Кўчмас мулкни савдога туриш муддати 30 кун. Савдонинг ўтказилиши ва ҳужжатларни тўлдирини билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қўйидаги манзилга мурожаат қилиш-сўралади: Фарғона шаҳар Аҳмад ал-Фароний кўчаси 43-уй, 24 хона. собиқ вилоят "Матлуботсавдо" биноси. Телефон (+99895) 404-54-84. Лицензия 0094

Хизматлар лицензияланган

Касбига фидойи



30 йилдан ортиқ умрини қонунлиликни таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқий амалий тажрибасини ёш холимларни тарбиялашга бахшида этиб, жамоатчилик эътиборига сазовор бўлган инсон, прокуратура фахрийси Шавкат Умиров қутлуг 60 ёшни қарши олмақда.

Шавкат Умиров иш фаолияти давомида Ангрен шаҳар прокуратурасида иш ўрганувчи, прокурор катта ёрдамчиси, Юқоричирчиқ туман прокурорининг ёрдамчиси, Тошкент вилоят прокуратурасида тергов бошқармаси прокурори, катта терговчиси, Ўзбекистон транспорт прокуратурасида алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчи, бўлим катта прокурори, бўлим бошлиғи, прокурор катта ёрдамчиси, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида бўлим прокурори, Фарғона транспорт прокурорининг катта ёрдамчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, шарафли меҳнат йўлини босиб ўтди.

У меҳнатсеварлиги, изланувчан-

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги Маркази

лиги, ташаббускорлиги ва самимилиги билан ҳамкасблари ҳурматига сазовор бўлди. Камтарлиги, касбига фидойилиги билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари орасида эътибор қозонди.

Шавкат Умировнинг кўп йиллик меҳнатлари прокуратура раҳбарияти томонидан уносиб баҳоланиб, бир неча мартаба рағбатлантирилди.

Хурматли Шавкат Раҳмонқуловчи, таваллуд айёминингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга узоқ умр, сихат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ва файзу борака тилаймиз.



Ишон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ҳамда Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ишон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳаммуассислигида чоп этилаётган "Демократ-лаштириш ва ишон ҳуқуқлари" журналнинг 2014 йил 3-сонини нашрдан чиқди.

Журнал саҳифаларида "Мустақиллик ва сиёсий партиялар" рўкини остида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Соҳибжон Турдиев, Ўзбекистон Халқ-демократик партияси Марказий Кенгашининг раиси Хотамжон Кетмонов, Ўзбекистон "Миллий тиклаш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Сарвар Отамуратов ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаровнинг мақолалари чоп этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва маҳаллий кенгашларга сайловлар олдидан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси Мирзо-Улугбек Абдусаломовнинг "Эркин ва демократик сайловларни ўтказишни таъминлаш" сарлавҳали мақоласи эълон қилинган. Шунингдек, журналдан ушбу сайловда жараёнлари тўғрисида бир қанча мақолалар жой олган.

Тошкент шаҳар прокурори Мирзохид Обидовнинг "Ишон ва қонун" рўкини остида чоп этилган "Фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартиби" номли мақоласида "Ишон ўз ҳаёти давомида турли муаммолар, айрим ноҳақликларга дуч келади ва шу боис ҳам ҳуқуқларига пугур етказилган барча ҳолларда ана шу ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишига эҳтиж сезади" дейилади. Ишон ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун қаерга ва қандай тартибда мурожаат этиши керак, деган саволга ушбу мақоладан жавоб топасиз. Шунингдек, ушбу рўқидан юридик фанлари доктори Зокир Ибрагимов ва Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети катта илмий ходими-изланувчиси Фанишер Маматовнинг мақолалари ҳам жой олган.

Журнал муҳанджасининг доимий рўқидан бўлган "2014 йил — Соғлом бола йили", "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамиятига" рўқиданги мақолалар ҳам ҳеч бир ўқувчини бефарқ қолдирмайд.

Банк муассасаларида



Молиявий кўмак-тадбиркорга мадад

Таъкиллаш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар жараёни тадбиркор-ишбилармонларга кенг имкониятлар яратмоқда. Аини шу жараёнда банк молия муассасалари томонидан уларнинг янги режаларини рўёбга чиқариш учун йўналтирилаётган молиявий сармоялар соҳа ривожига муҳим аҳамият касб этаётди.

Жумладан, мамлакатимизнинг етакчи банкларида бири бўлган "Агробанк" АТБ томонидан кўрсатилаётган кенг турдаги банк хизматлари ҳам халқимиз турмуши фаровонлигини юксалтиришга, юртимиз иқтисодиёти тараққий этишига хизмат қилмоқда.

Мазкур банкнинг Сирдарё вилояти бошқармаси ва унинг худудлардаги филиаллари томонидан ҳам эътиборга молик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, банк томонидан тадбиркор ва фермерлар фаолиятини янада тақомиллаштириш мақсадларига йўналтирилаётган кредит маблағлари туфайли мазкур тармоқлар йил сайин ривожланиб бораётди. Агробанкнинг Сирдарё вилояти бошқармаси иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи замонавий корхоналарни барпо этиш, рақобатбардор маҳсулотларни ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлдирish шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада тақомиллаштиришга асосий эътибор қаратмоқда.

Бунинг натижасида жой-

ларда янги тадбиркорлик субъектлари ишга туширилиб, янги иш ўринлари яратилмоқда.

Эргаш Эрматов, Сирдарё тумани "Сирдарё маржон балиғи" фермер хўжалиги раҳбари:

— Бугун давлатимиз томонидан яратилган кенг қўламли шарт-шароитлардан унумли фойдаланиб, ўз сармояларига эга бўлиб, оиласи даромадига муносиб улуш қўшаётган тадбиркорларимиз сафий йил сайин кўпайиб, озиқ ва ноозик-овқат маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ошиб бормоқда. Ана шундай қўлай ишбилармонлик муҳити сабаб, мен ҳам ўз хўжалигимда ишларимни янада кенгайтириб, халқимизга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда ўз ҳиссамни қўшиб келмоқдаман. Айниқса, банклар томонидан тадбиркорларимизнинг бизнес лойиҳаларини ижобий баҳолаб, молиявий кўмак берилётгани соҳа ривожига қўл келмоқда. Мен ҳам мана шундай имкониятдан фойдаланиб, "Агробанк" АТБнинг Сирдарё филиалига иссиқхона қуриш мақсадида бизнес лойиҳам билан мурожаат қилдим. Бунга асосан банк томонидан 100 млн. сўм миқдорда кредит маблағи ажратилди. Ушбу молиявий маблағ туфайли қўшимча 8 та янги иш ўрни



яратилди. Аслида фермер хўжалигим галла ва пахта етиштиришга ихтисослашган бўлса-да, хўжалик тармоғини кенгайтириш, қўшимча янги иш ўринлари яратишни мақсад қилган эдим. Бугунга келиб, фермер хўжалигим ҳар томонлама ривожланиб, яна қўшимча фаолият турларини амалга оширишимга туртки бўлмоқда.

Ғофуржон Худойназаров, Янгиер шаҳар "Ғофуржон Нодирбек файз" МЧЖ раҳбари:

— Юртимизда тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда турли имтиёзлар яратиб берилиши натижасида, ишбилармонларимиз фаолиятида ҳар жиҳатдан ривожланиш бўлаётганлиги

ни кузатишимиз мумкин. Айниқса, халқимизнинг сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш мақсадида кенг қўламадаги амалий ишлар амалга оширилляпти. Бу борада тадбиркорларимизнинг режаларини амалга ошириш учун банк-молия муассасаларининг кредит маблағлари қўл келаётди. Мен ҳам аҳолига умумий оқватланиш хизматини йўлга қўйиш мақсадида Агробанкнинг Янгиер филиали томонидан бизнес лойиҳамга асосан 250 млн. сўм миқдорда кредит олдим. Мазкур маблағ ортидан, 4 та янги иш ўрни яратилди. Албатта, ишбилармон учун маблағ билан бирга зарур шарт-шароитлар ҳам бўлиши даркор. Бу бора-

да эса давлатимиз томонидан биз тадбиркорларга барча йўللар кенг очиб берилган.

Шунингдек, "Агробанк" АТБ Сирдарё вилоят бошқармаси томонидан ёшларга молиявий кўмак бериш, айниқса коллеж битирувчиларини тадбиркорликка жалб қилиш уларнинг бизнес лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадларига ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Банк томонидан кичик бизнесни ривожлантириш мақсадида ажратилаётган кредит маблағларидан ёшларимиз унумли фойдаланиб, ўз бизнесини йўлга қўйиб бормоқдалар. Жумладан, Хасан Сайдалиев ана шундай ёшлардан бири. У чорвачиликни ривожлантириш мақсадида Агробанкнинг Ширин филиали томонидан олган 30 млн. сўм кредит маблағи туфайли ўз тадбиркорлигини бошлади. Кувонарлисис, ёш тадбиркор 3 та тенгдоши учун янги иш ўрни ҳам яратди.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, Агробанкнинг Сирдарё вилоят бошқармаси ва унинг жойлардаги филиаллари томонидан кенг қўламадаги истиқболли лойиҳалар ҳаётига татбиқ этилиб, миқозларга банк хизматлари кўрсатиш борасида тинимсиз изланишлар олиб борилаётди.

Хайрулла ХОЛТУРАЕВ

Хизматлар лицензияланган

Huquq
yuzidik gazeta

Muassis:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Jahongir Jur'atovich
MAKSUMOV

Tahrir hay'ati:

Hakimboy HALIMOV
Muxtor ZOIROV
Gulnoza RAHIMOVA
Baxtiyor NAZAROV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Kamoliddin ASQAROV
(mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo
G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,

Faks: 233-10-53,

233-64-85

E-mail:

huquq@huquq-gazeta.uz

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farglanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

□ — tijorat material.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi

231

Buyurtma **S-1082.44.572** nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida teridi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **M.DUSIYAROVA**

Sahifalovchi: **A.YAMSHIKOV**

Navbatchi: **O'.DEHONOV**

Bosmaxnaga topshirish vaqti: 22.00.

Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonamanzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston
Respublikasi matbuot va
axborot agentligida 2009-yil
12-oktabrda 0188-raqam
bilan no'yxatga olingan.

ISSN 2010-7617



9 772010 761004